БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 184 (415)

16 СЕНТЯБРЬ ЖУМА 1955 ИИЛ

БАҲОСИ 20 ТИИИН.

## БУГУНГИ СОНДА:

Совет Иттифоқи ва Германия Федерал Республикаси Ҳукумат делегациялари ўртасида олиб борилган музокараларнинг натижалари тўғрисида якунловчи ахборот (1-нчи бет).

Кўчириб олиб кетилган ва Ғарбий Германияда ушлаб турилаётган совет гражданлари тўғрисидаги масала юзасидан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин баёноти. СССР Ташқи ишлар министри В. М. Молотов баёноти (1-нчи бет).

Федерал Канцлер доктор К. Аденауэр ва Германия Федерал Республикасининг Ҳукумат делегацияси Москвадан жўнаб кетди (2-нчи бет).

СССР Ташқи ишлар Министрлигида (2-нчи бет).

**Ҳарбир теримчининг нормани ошириб бажариши учун курашайлик!** (2-нчи бет).

**Совет фани халқ хўжалиги хизматида** (3-нчи бет).

Совет қишлоқ хўжалик делегацияси Австрияга жўнаб кетди (4-нчи бет).

Франция парламент делегацияси Москвага келди (4-нчи бет).

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қуролсизланиш комиссиясининг кичик комитетида (4-нчи бет).

Фин-Совет савдо палатасининг йиллик мажлиси (4-нчи бет).

ГФР Канцлери К. Аденауэр Боннга қайтиб келди (4-нчи бет).

Четэл делегациялари Ўзбекистонда (4-нчи бет).

## СССР блан Финляндия ўртасида дўстликни ва ҳамкорликни янада ривожлантириш учун

Финляндиянинг отоқли давлат арбоби, Финляндия республикасининг Президенти Ю. К. Паасикиви жаноблари СССР Олий Совети Президиумининг таклифи блан бугун Москвага келади. Бош министр У. Кекконен, мудофаа министри Э. Скуг ва собиқ ташқи ишлар министри Р. Свенто Президентга ҳамроҳ бўлиб келадилар.

Совет кишилари Президент Ю. К. Паасикивини чин қалбдан табриклайдилар. Улар, дўст мамлакат раҳбарининг Москвада бўлиши мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб ишонадилар.

Урушдан кейинги даврда СССР блан Финляндия ўртасидаги муносабатларда тубли бурилиш бошланди: узоқ давом қилган ўзаро ишончсизлик даври совет ва фин халқлари ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик даври блан алмашинди.

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида СССР блан Финляндия ўртасида 1948 йилда имзоланган Шартнома бу соҳада алоҳида муҳим роль ўйнади. Бу шартнома совет ва фин халқлари ўртасидаги дўстона ва яхши қўшничилик муносабатлари учун мустаҳкам пойдевор бўлди. Совет-Финляндия Шартномасининг мамлакатларимиз ўртасида дўстликни ривожлантириш йўлида шунинг учун ҳам катта аҳамияти борки, бу шартнома томонларнинг тўла тенглиги асосида тузилган шартномадир.

Совет-Финляндия Шартномаси Совет Иттифоқи блан Финляндия ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга ёрдам беришгина қолмасдан, шу блан бирга халқаро муносабатларнинг ҳам муҳим фактори бўлди. Шартномада шартнома қатнашчиларининг «халқаро тинчликни ва хавфсизликни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадларига ва принципларига мувофиқ равишда сақлашга қаратилган ҳамма тадбирларда энг самимий равишда қатнашиш тўғрисидаги ўз ниятларини» таъкидлаган моддалар ҳам бор. Шартномада баён қилинган шу моддалар тинчликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Шу нарса шак-шубҳасиздирки, Шартнома бундан буён ҳам Совет ва Финляндия дўстлигини ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашнинг мустаҳкам базаси бўлиб қолади.

Совет-Финляндия ҳамкорлиги турли социал-иқтисодий системаларнинг тотув бўлиб яшаётганлигини яққол ишонтирарли қилиб кўрсатаётган мисолдир. Совет Иттифоқида социализм тузуми мавжуддир. Финляндияда капитализм тузуми мавжуддир. Лекин бу тафовут иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликка, яъни тенҳуқуқлилик, ички ишларга аралашмаслик ва миллий суверенитетни ўзаро ҳурматлаш принципларига қурилган ҳамкорликка тўсқинлик қилмаётир. СССР блан Финляндия ўртасидаги дўстона, яхши қўшничилик муносабатлари кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда.

Совет-Финляндия Шартномаси Финляндиянинг миллий, мустақил сиёсат ўтказишига имкон беручи шароит вужудга келтирди, бу жиҳатдан ҳам Финляндия бошқа баъзи мамлакатларга, шу жумладан ўзидан каттароқ мамлакатларга ҳам ўрнак кўрсатмоқда. Финляндиянинг агрессив блокларда қатнашмаётганлиги сабабли, унинг халқи зўр бериб қуролланиш юкидан халос бўлди ва ўз турмуш даражасини ошириш имкониятини олди. Замонамиздаги ақли раso сиёсатчилар бу фойдали ўрнакни ҳисобга олмасликлари мумкин эмас.

Яна шу фактни ҳам айтиб ўтмаслик мумкин эмаски, СССР блан Финляндия ўртасида Совет-Финляндия Шартномасига таянучи нормал, дўстона муносабатлар Европанинг бу қисмида найранглар ва шўҳликлардан ҳоли бўлган соғлом халқаро вазият вужудга келтиришда анча катта роль ўйнамоқда. Броқ, шу нарса ҳам маълумки, фин ва совет халқлари ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланаётганлиги халқлар томонидан қораланган «совуқ муносабатлар уруши» сиёсатини ўтказишга ҳали ҳам уринаётган баъзи халқаро доираларга сра маъқул бўлмаётир. Бу доиралар СССР блан Финляндия ўртасини бузишни, бу мамлакатлар ўртасида эски, нодўстлик муносабатларини яна тиклашни ва бундан тинчлик ҳамда хавфсизлик тўғрисида ғамхўрлик қилишга ҳечбир алоқаси бўлмаган мақсадлар учун фойдаланишни афзалроқ кўрур эдилар.

Шу муносабат блан кейинги вақтларда, Финляндиянинг Совет Иттифоқига нисбатан сиёсати «эскириб қолди», Финляндия Совет Иттифоқи блан бўлган дўстона муносабатлардан воз кечиши керак, деб айтилаётган гапларни четлаб ўтиб бўлмайди. Финляндия бош министри доктор У. Кекконен яқинда сўзлаган нутқида айтганидек, бундай «маслаҳатларни» бераётган кишилар фин халқининг ҳақиқий фикрини ифодаламаётирлар ва Финляндиянинг миллий, ҳаётий манфаатларига бутунлай зид бўлган фикрларни айтмоқдалар.

Совет кишилари Финляндия президенти Ю. К. Паасикиви жаноблари томонидан ўтказилаётган сиёсатнинг — СССР блан амалий ва тенгҳуқуқли ҳамкорлик сиёсатининг оқилона ва доно сиёсат эканлигини мамнуният блан қайд қилмоқдаларки, бу сиёсатнинг тўғрилигини турмушнинг ўзи тўла равишда исбот қилиб берди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловнинг Финляндия Республикаси Президенти Ю. К. Паасикиви жанобларига юборган хатида айтилгандек, Финляндия президентининг дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш Шартномасини тузишда шахсан иштирок қилганлигига ҳам, шунингдек СССР блан Финляндия ўртасидаги дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга кўпган унинг катта ҳиссасига ҳам Совет Иттифоқида юксак баҳо бермоқдалар.

«Сиз Москвада бўлган вақтингизда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликни ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш манфаатларида кўрилиши мақбул бўлган тадбирлар тўғрисида, — деган эди К. Е. Ворошилов, — фикр олишув мумкин бўлур эди».

Финляндия Республикасининг Президенти К. Е. Ворошиловга юборган жавоб хатида бундай деган эди:

«Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида 1948 йилда тузилган Финляндия — Совет Шартномаси асосида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар яхши ривожланиб бораётганлиги ҳақида, шунингдек бу муносабатларнинг бундан буён ривожлантирилиши халқларимизнинг тинчликка ва дўстликка бўлган интилишларига мос бўлиб тушуви ҳақида Сиз, Жаноб Олийлари айтган фикрларни мамнуният блан қабул қилдим. Сиз Жаноб Олийлари изҳор қилган бу фикрлар Финляндия-Совет муносабатлари тўғрисидаги ва келгусида шу муносабатлар блан боғлиқ бўлган интилишлар тўғрисидаги менинг фикримга ҳам мос бўлиб тушади.

Мен Москвада бўладиган музокаралар шу муносабатларнинг яхши ривожлантирилишига кўмаклашиш ва буни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб ишонаман».

Финляндия Республикаси Президенти Ю. К. Паасикиви жанобларининг бу сўзлари, турли сиёсий маслакдаги бутун фин матбуотининг ёзишига қараганда, фин халқининг фикр ва истакларини ифодаламоқда.

Фин газеталари, Финляндия блан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик тинчликни мустаҳкамлаш демакдир, деб таъкидламоқдалар. Шу муносабат блан фин матбуоти, СССР блан Финляндия ўртасида дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланиши ўзаро иқтисодий манфаатлар келтиради, деб қайд қилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқалар кейинги йилларда анча кенгайди. Ҳар иккала томон ўтган йиллардаги яхши натижаларга асосланиб, 1954 йилнинг ёзида 1956 — 1960 йиллар учун узоқ муддатли янги савдо битими тузидилар.

Маданий алоқалар ҳам кенгаймоқда, фан, санъат ва спорт вакиллари делегацияларини ўзаро айирбошлаш кучайтирилмоқда. СССР блан Финляндия ўртасида илмий-техника ҳамкорлиги тўғрисида яқинда Хельсинкида имзоланган битим ҳар иккала мамлакат учун маданий алоқаларни янада кенгайтиришнинг кенг имкониятларини очиб берди.

Совет халқи Финляндия Республикаси Президентини Москвага келишини табриклаб, Совет ва Финляндия давлат арбоблари ўртасида бўладиган фикр олишув мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликни ва яқин ҳамкорликни янада кўпроқ мустаҳкамлайди, деб ишонч билдиради.

(«ПРАВДА»нинг 15 сентябрьдаги бошмақоласи).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ИИЛ 15 СЕНТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

**М А ' Л У М О Т**

(процент ҳисобида)

| Районларнинг номи | бир кунда | мавсум бошидан | Районларнинг номи | бир кунда | мавсум бошидан |
|---|---|---|---|---|---|
| Пискент | 1,37 | 13,60 | Октябрь | 0,91 | 7,50 |
| Оҳангарон | 1,86 | 13,21 | Юқоричирчиқ | 0,95 | 7,28 |
| Ховос | 0,74 | 12,81 | Верхне-волинск | 1,16 | 7,19 |
| Бўка | 1,00 | 9,70 | Гулистон | 1,09 | 7,19 |
| Оржоникидзе | 1,37 | 8,92 | Чиноз | 0,99 | 7,04 |
| Ўртачирчиқ | 1,14 | 8,33 | Янгийўл | 1,01 | 7,03 |
| Оққўрғон | 0,99 | 7,69 | Бекобод | 0,87 | 6,31 |
| Мирзачўл | 1,25 | 7,67 | Боёвут | 0,55 | 6,08 |
| Сирдар'ё | 0,96 | 7,61 | Калинин | 0,76 | 5,55 |
| Ўртасарой | 1,45 | 7,58 | Қуйичирчиқ | 0,56 | 3,23 |

## Совет Иттифоқи ва Германия Федерал Республикаси Ҳукумат делегациялари ўртасида олиб борилган музокараларнинг натижалари тўғрисида

# ЯКУНЛОВЧИ АХБОРОТ

1955 йил 9 сентябрьдан 13 сентябрьгача Москвада Совет Иттифоқи Ҳукумат делегацияси блан Германия Федерал Республикаси Ҳукумат делегацияси ўртасида музокаралар бўлди.

Музокараларда совет томонидан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин (делегация бошлиғи), СССР Олий Совети Президиумининг А'зоси Н. С. Хрушчев, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари М. Г. Первухин, Ташқи Савдо Министри И. Г. Кабанов, СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари В. С. Семёнов қатнашдилар.

Музокараларда Германия Федерал Республикаси томонидан Федерал Канцлер доктор К. Аденауэр (делегация бошлиғи), Ташқи Ишлар Министри доктор Г. фон Брентано, Ташқи Ишлар Министрлигининг статс-секретари доктор В. Хальштейн, Федерал Канцлер Канцеляриясининг статс-секретари доктор Г. Глобке, Бундестрат Ташқи ишлар Комиссиясининг Раиси, Шимолий Рейн-Вестфалия Ўлкасининг Бош Министри К. Арнольд, Бундестаг ташқи ишлар Комиссиясининг раиси К. Г. Кизингер, Бундестаг ташқи ишлар Комиссияси Раисининг Ўринбосари К. Шмид, Элчи Г. Блан жанобларининг Элчи Ф. фон Эккардт, министериальдиректор доктор В. Греве қатнашдилар.

Ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар давомида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар масалалари юзасидан кенг ва очиқ фикр олишилди.

Музокаралар давомида Совет Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Ҳар иккала мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш, шу мақсадда Боннда ва Москвада Элчихоналар таъсис этиш ҳамда Фавқулодда ва Мухтор Элчилар даражасидаги дипломатия вакилларини бир-бирларига юборишга тўғрисида битимга келинди. Бу битим томонлар бир-бирига топширган тегишли мактубларда ўз ифодасини топди (бунда Федерал ҳукумат ва бундестагнинг, шунингдек СССР Олий Совети Президиумининг розилигини олиш кўзда тутилади).

Ҳар икки делегация дипломатия муносабатларининг ўрнатилиши Европада тинчлик ва хавфсизлик манфаатлари йўлида Совет Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади, деган фикрга келди.

Шу блан бирга, томонлар Совет Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси ўртасида нормал муносабатларнинг ўрнатилиши ва ривожлантирилиши бутун Германияга тааллуқли бўлган ва ҳал этилмаган масалаларни ҳал этишга ёрдам беради ва бу блан немис халқининг асосий умуммиллий проблемасини ҳал этишга — герман демократик давлатининг бирлигини тиклашга ёрдам бериши лозим, деган фикрга асосланадилар.

Эришилган битимни тасдиқлаш учун СССР Министрлар Советининг Раиси ва Германия Федерал Республикасининг Федерал Канцлери бир-бирларига мактуб топширдилар. Бу мактубларнинг тексти қуйида босилади.

Томонлар яқин вақт ичида Совет Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси ўртасида савдо-сотиқни ривожлантириш масалалари юзасидан музокаралар олиб бориш тўғрисида ҳам бир битимга келдилар.

1955 йил 13 сентябрь.

### ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАЛ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КАНЦЛЕРИ, ҲАЗРАТ ОЛИЙЛАРИ КОНРАД АДЕНАУЭР ЖАНОБЛАРИГА

Москва шаҳри.

Федерал Канцлер жаноблари,

Совет Иттифоқи ва Германия Федерал Республикаси Ҳукумат делегациялари ўртасида бўлган музокаралар давомида бир битимга келинганлиги муносабати блан, мен Сизга қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш шарафига муяссарман: Совет Ҳукумати Германия Федерал Республикаси Ҳукумати блан дипломатия муносабатлари ўрнатишга ва Фавқулодда ҳамда Мухтор Элчилар даражасидаги дипломатия вакилларини бир-бирларига юборишга қарор қилди.

Совет Иттифоқи Ҳукумати ишонч билдириб айтадики, ҳозир ўрнатилаётган дипломатия муносабатлари Европада тинчлик ва хавфсизлик манфаатлари йўлида Совет Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беради.

Совет Ҳукумати бунда Совет Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси ўртасида нормал муносабатларнинг ўрнатилиши ва ривожлантирилиши бутун Германияга тааллуқли бўлган ва ҳал этилмаган масалаларни ҳал этишга ёрдам беради ва бу блан немис халқининг асосий умуммиллий проблемасини ҳал этишга — герман демократик давлатининг бирлигини тиклашга ёрдам бериши лозим, деган фикрга асосланади.

Ушбунинг блан шуни айтишни зарур деб ҳисоблайманки, Совет Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги битим СССР Олий Совети Президиуми томонидан тасдиқланиши блановқ кучга киради.

Канцлер жаноблари, ҳурмат ва эҳтиромимни қабул қилғайсиз.

Н. БУЛГАНИН.

Москва, 1955 йил 13 сентябрь.

### СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ ҲАЗРАТ ОЛИЙЛАРИ МАРШАЛ Н. А. БУЛГАНИН ЖАНОБЛАРИГА

Москва

Министрлар Совети Раиси жаноблари,

Германия Федерал Республикаси ва Совет Иттифоқи Ҳукумат делегациялари ўртасида бўлган музокаралар давомида бир битимга келинганлиги муносабати блан мен Сизга қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш шарафига муяссарман: Федерал Ҳукумат Совет Иттифоқи Ҳукумати блан дипломатия муносабатлари ўрнатишга ҳамда Фавқулодда ва Мухтор Элчилар даражасидаги дипломатия вакилларини бир-бирларига юборишга қарор қилди.

Федерал Ҳукумат ишонч билдириб айтадики, ҳозир ўрнатилаётган дипломатия муносабатлари Европада тинчлик ва хавфсизлик манфаатлари йўлида Германия Федерал Республикаси блан Совет Иттифоқи ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беради.

Федерал Ҳукумат бунда Германия Федерал Республикаси блан Совет Иттифоқи ўртасида нормал муносабатларнинг ўрнатилиши ва ривожлантирилиши бутун Германияга тааллуқли бўлган ва ҳал этилмаган масалаларни ҳал этишга ёрдам беради ва бу блан немис халқининг асосий умуммиллий проблемасини ҳал этишга — герман демократик давлатининг бирлигини тиклашга ёрдам беради, деган фикрга асосланади.

Бу битим Федерал кабинет ва Германия Бундестаги ўз розилигини билдириши блановқ кучга киради.

Министрлар Советининг Раиси жаноблари, Сиздан ҳурмат ва эҳтиромимни қабул қилишингизни сўрайман.

АДЕНАУЭР.

## Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Федерал Республикаси Ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар

13 сентябрьда Москва вақти блан эрталаб соат 10 да Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Федерал Республикаси Ҳукумат делегацияларининг тор составдаги мажлиси бўлди.

Танаффусдан кейин, соат 15 да СССР ва ГФР Ҳукумат делегацияларининг тўртинчи мажлиси бўлди. Бу мажлис тўла составда ўтди. Мажлисда Совет Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси ўртасида дипломатик, савдо ва маданий муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш давом этди.

Мажлиснинг бошида СССР Ҳукумат делегациясининг Бошлиғи, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Ташқи ишлар министри В. М. Молотов баёнот бердилар. Бу баёнотларнинг текстлари алоҳида босилади.

Фикр олишувда СССР Ҳукумат делегациясининг Бошлиғи, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, ГФР Ҳукумат делегациясининг бошлиғи, Федерал Канцлер К. Аденауэр, СССР Олий Совети Президиумининг А'зоси Н. С. Хрушчев, СССР Ташқи ишлар министри В. М. Молотов, ГФР Ташқи ишлар министрлигининг статс-секретари В. Хальштейн қатнашдилар. Фикр олишув натижасида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлари ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилинди ва шу мақсадда бир-бирларига тегишли мактублар юборишга қарор берилди.

Шу блан СССР ва ГФР Ҳукумат делегацияларининг музокаралари тамом бўлди. Москвада бўлиб ўтган музокараларнинг натижалари тўғрисида биргаликда Ахборот қабул қилинди.

## *Кўчириб олиб кетилган ва Ғарбий Германияда ушлаб турилаётган совет гражданлари тўғрисидаги масала юзасидан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин баёноти*

Ўтган уруш йилларида Совет Иттифоқининг вақтинча оккупация қилинган территорияларидан гитлерчилар армияси кўп юз минглаб тинч совет гражданларини Германияга зўрлик блан жўнатган эди. Ана шу совет кишиларининг кўпи Германиядаги лагерьларда, мажбурий ишларни бажариш вақтида ҳалоқ бўлди. Гитлерчилар армияси тор-мор келтирилганидан кейин, кўчириб олиб кетилган ва омон қолган совет гражданларининг кўпчилиги Ватанига қайтиб келди. Аммо, бу гражданларнинг талайгина қисми асосан Ғарбий Германияда ушлаб қолинди.

Мавжуд маълумотларга қараганда, Германия Федерал Республикасининг территориясида кўп ҳолларда «гражданлиги бўлмаган шахслар» деб аталган юз мингдан ортиқ шундай совет гражданлари бор. Ўз Ватанидан ва ўз оилаларидан мажбуран жудо қилинган ана шу бахтсиз кишиларнинг кўпчилиги доимий ишга, уй-жойга, яшаш учун керакли маблағга эга эмас, оғир машаққат ва муҳтожликни бошдан кечирмоқда. Улар ўзгалар қўлида ҳуқуқсиз ва қарам кишилар ҳолида яшамоқдалар. Бизга яна шу нарса маълумки, кўчириб олиб кетилган ва ўзларининг оғир аҳволидан норози бўлган совет гражданлари кўп ҳолларда Германия Федерал Республикаси территориясидаги тюрьмаларда сақланмоқда.

Совет Иттифоқига душман бўлган муайян ташкилотлар тегишли маъмурларнинг қўллаб-қувватлаши блан репатриация ишига халақит бериш учун қасддан пропаганда олиб бормоқдалар ва Ватанига қайтиб келишни истаган кишиларни террор қилмоқдалар ва қўрқитмоқдалар. Шу блан бирга, ана шу шахслардан жиноий сиёсий мақсадларда фойдаланиш нияти блан йўл қўйиб бўлмайдиган уринишлар давом эттирилмоқда.

Биз, Германия Федерал Республикасида кўчириб олиб кетилган совет гражданларига нисбатан рўй берган бундай аҳвол ғайритабиий бир ҳол бўлиб, инсонпарварлик ва шахс эркинлиги принципларига хилофдир, деб ҳисоблаймиз. Совет ҳукумати муайян шароитларда ўз Ватанига нисбатан ёмон иш қилган совет гражданларини ҳам ҳимоя қилишни ўз бурчи деб ҳисоблайди. Биз, ана шу кишилар тузалсинлар, деб умид қиламиз ва уларни қилган жиноятлари учун қаттиқ жавобгарликка тортмаймиз.

Биз, ГФР Ҳукумат делегациясининг эътиборини шунга жалб этиб, ГФР Ҳукумати тегишли чораларни кўради ва кўчириб олиб кетилган совет гражданларининг Ватанга қайтиб келишларига ёрдам беради, деб умид қиламиз.

## *СССР Ташқи ишлар министри В. М. Молотов баёноти*

Ички ва халқаро йўлларда учаётган совет учучилари берган маълумотларга кўра, осмонда юк осиб қўйилган катта ҳаво шарларининг контрольсиз учаётганлиги кўринмоқда. Бу шарлар диаметри бўйича 8 метрга ва тиккасига 16 метрга етиб боради. Совет Иттифоқи территориясида топиб олинган бундай шарлар текширилганида, уларга осиб қўйилган юкларнинг оғирлиги 300 килограмм эканлиги маълум бўлди.

Бу ҳаво шарлари СССРда ва Европадаги бошқа бирқанча мамлакатларда ана шу давлатларга душман руҳдаги варақалар ва пропаганда адабиёти тарқатиш мақсадида Ғарбий Германия территориясидан юборилаётганлиги маълум.

Компетент совет авиация мутахассисларининг фикрича, бундай шарлар ҳаво транспорти учун хавф туғдиради. Бу шарлар турли вақтларда, турли баландликда ва турли томонларда учиб, ички ва халқаро йўлларда учаётган самолётларнинг пассажирлари ва экипаж аъзолари ҳаётини хавф остида қолдиради.

Мавжуд маълумотларга қараганда, бу шарлар Ғарбий Германия территориясидан америка ташкилотлари томонидан учирилмоқда. Жумладан, Мюнхендаги америка радиостанцияси шу йил 16 августда бу тўғрида очиқ гапирди. Ана шу радиостанция кўп миқдорлари шундай шарлар 15 августда Америкининг «Озодлик учун салб юриши» деган ташкилоти томонидан учирилганлигини таъкидлади.

Совет Ҳукумати юқорида баён қилинганларга Федерал Канцлернинг эътиборини жалб этиб, ГФР ана шундай ҳаракатларни тўхтатиш учун ва Совет Иттифоқининг ички йўлларида, шунингдек СССР территориясидан ва Европадаги бирқанча давлатлар территориясидан ўтадиган халқаро йўлларда учаётган самолётларга ҳаво шарлари томонидан вужудга келтирилаётган хавфни йўқотиш учун зарур чоралар кўради, деб кутади.

# Федерал Канцлер доктор К. Аденауэр ва Германия Федерал Республикасининг Ҳукумат делегацияси Москвадан жўнаб кетди

14 сентябрьда Германия Федерал Республикасининг Федерал Канцлери доктор К. Аденауэр Москвадан ватанига жўнаб кетди.

Доктор К. Аденауэр блан бирга ГФР Ҳукумат делегациясининг а'золари — Ташқи ишлар министри доктор Г. фон Брентано, Ташқи ишлар министрлигининг статс-секретари доктор В. Хальштейн, Федерал Канцлер Канцелариясининг статс-секретари доктор Г. Глобке, элчи Г. Бланкенхорн, министериальдиректор доктор В. Грев, Хўжалик министрлиги ташқи иқтисодий бўлимининг раҳбари доктор Г. Рейнхардт, Ташқи ишлар министрлиги савдо сиёсий бўлимининг раҳбари доктор Г. ван Шерпенберг, Ташқи ишлар министрлиги маданият бўлимининг раҳбари доктор Г. фон Трютцшлер, Элчи Ф. фон Эккардт, Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг бошлиғи элчи доктор Э. Г. Мор, элчи доктор Г. фон Вальтер, министриальдиригент доктор У. Мюллер, доктор Г. Кох, шунингдек делегацияга ҳамроҳ бўлиб келган Бундестрат ташқи ишлар комиссиясининг раиси К. Арнольд, Бундестаг ташқи ишлар комиссиясининг раиси К. Г. Кизингер ва бу комиссия раисининг ўринбосари К. Шмид жўнаб кетдилар.

ГФР Ҳукумат делегациясини Н. А. Булганин, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. А. Суслов, Ташқи савдо министри И. Г. Кабанов, РСФСР Маданият министри Т. М. Зуева, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосарлари А. А. Громико ва В. С. Семёнов, Москва Совети ижроия комитетининг раиси М. А. Ясенов, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг а'зоси Л. Ф. Ильичев, СССР Ташқи ишлар министрлиги 3-нчи Европа бўлимининг мудири С. Г. Лапин, СССР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, Москва шаҳрининг коменданти генерал-майор И. С. Колесников, совет ва четэл журналистлари кузатиб қолдилар.

Делегацияни Москвадаги дипломатия корпусининг дуайени Швециянинг фавқулодда ва мухтор элчиси Р. Р. Сульман, Америка Қўшма Штатларининг фавқулодда ва мухтор элчиси Ч. Э. Болен, Буюк Британиянинг фавқулодда ва мухтор элчиси сэр У. Хэйтер, Франциянинг фавқулодда ва мухтор элчиси Л. Жокс ҳам кузатиб қолдилар.

...Внуково аэродроми Германия Федерал Республикаси ва Совет Иттифоқининг Давлат байроқлари блан безатилган эди. Фахрий қоровул бошлиғи доктор К. Аденауэрга рапорт беради. ГФР ва СССР Давлат гимнлари янграйди. СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва Федерал Канцлер доктор К. Аденауэр фахрий қоровулни айланиб чиқадилар. Канцлер К. Аденауэр совет хангчиларига қараб русча: «До свиданья!» дейди. Совет хангчилари бунга ҳамжиҳатлик блан жавоб қайтарадилар.

Канцлер доктор К. Аденауэр учиб кетиш олдидан микрофон олдида бундай деди:

— Биз, буерда, Москвада бутун дунёда тинчлик манфаатлари йўлида биргаликда иш олиб борганлигимизни яхши англаган ҳолда ватанимизга қайтиб кетмоқдамиз. Мен бизнинг бу меҳнатимиз ҳар икки халқимиз учун хайрли самаралар берали, деб ишонаман.

Совет Ҳукуматининг раҳбарлари ва кузатиб қолучи бошқа кишилар доктор К. Аденауэр блан, ГФР Ҳукумат делегациясининг а'золари блан ва делегацияга ҳамроҳ бўлиб келган кишилар блан самимий хайрлашадилар. Жўнаб кетучилар Москвада ўзларига кўрсатилган меҳмондўстлик учун ташаккур изҳор қиладилар.

Канцлер К. Аденауэр тушган самолёт эрта блан соат 10 дан 15 минут ўтганида парвоз қилади. (ТАСС).

# СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукуматининг таклифига мувофиқ Бирма Иттифоқи бош министри У Ну 1955 йил октябрь-ноябрида хайрли ният визити блан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига келади. (ТАСС).

# *Ишлабчиқариш қувватидан тўла фойдаланиш керак*

Тошкентдаги «Электротехника» заводи электр қуввати блан ҳаракатга келучи энг кичик аппаратдан тортиб, то мураккаб механизмларгача тайёрлайдиган йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Завод коллективи ишлаб чиқараётган маҳсулотга талаб тобора ортиб бормоқда.

Лекин завод ҳозирги куннинг талабига мувофиқ ишламаётир. У, икки йилдан бери давлат томонидан берилган топшириқларни бажармай келади. Шу йилнинг ўтган вақти ичидагина планда белгиланганидан бир миллион сўмликка яқин кам маҳсулот берилди. Заводнинг кўп вақтдан бери қолоқлиқдан чиқмай келаётганлигининг сабаби ишлабчиқаришдаги барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаслик ҳамда механизмларнинг тўла қувват блан ишламаслигидадир.

Ўртоқ Канунников бошчилик қилаётган механика цехи корхонанинг асосий цехларидан бири бўлиб, унда энг йирик механизмлар ишлайди. Аммо бу механизмларнинг ҳаммаси тўлиқ ишга солинмаган. 3 та автомат, 6 та револьвер станоклари 4 йилдан бери айрим қисмларининг «етишмаслиги» сабабли ишламай бекор турипти. Агар шу станоклар тўла ишга солинса, цехда меҳнат унумдорлиги бирйрим марта ошган бўларди. Завод ма'муриати янги станоклар ҳам олмоқда. Уларнинг қувватидан фойдаланишга келганда эса «энди ўзлаштираётирмиз», «мутахассислар етишмайди» деган баҳоналарни пеш қиладилар.

Янги станокларга мосламалар тайёрлаш ва созлаш ишлари асбобсозлик ва ремонт цехларига топширилган эди. Лекин цехда топшириқ кечикиб бажарилаётир. Корхонада ишлабчиқариш процессларини такомиллаштиришга етарли э'тибор берилмайди, ишлабчиқариш маданияти паст. Механика ва штамповка цехларидаги станоклар қаршисига киритилаётган деталларни ушлаб қолучи решеткалар ўрнатилмаган, тайёр деталларни тахлаб қўйиш учун столлар ҳам йўқ. Детальлар цех ва участкаларда тартибсиз ҳолда ҳар ер-ҳар ерда уйилиб ётибди.

Цех ва участкалараро детальларни ташиш ишлари механизациялаштирилмаган. Агар станокда ишлаётган ишчига биронта деталь ёки асбоб керак бўлиб қолса, у, камида 5—10 минут вақтини сарф этиб, яшчикларда уюлиб ётган детальлар ичидан қидириб топади, сўнгра уни ўз станоги олдига олиб боради. Меҳнатнинг бундай тартибсиз ташкил этилиши бир томондан меҳнат унумдорлигининг ошишига ҳалақит берса, иккинчи томондан маҳсулотнинг сифатсиз ишланишига ҳам сабаб бўлаётир. Чунки ишланган детальларнинг пала-партиш қўйилиши айримларининг пачоқланишига, қийшайишига олиб келаётир.

Корхонада штурмчилик блан ишлаш одат тусига кириб қолган. Цех ва участкаларда ойнинг дастлабки кунларида ишлабчиқариш графиги бажарилмайди. Натижада, ой охирига келиб, штурм блан ишлаш бошланади. Масалан, июль ойининг 23-нчи куни умуман завод бўйича ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 46 процент бўлган бўлса, қолган 7 кун ичида бу кўрсаткич 91 процентга етди. Бундан кўриниб турибдики, 23-нчидан то 31 гача бўлган 7 кун ичида ойлик топшириқнинг 45 процентни миқдорида маҳсулот тайёрланган. Шунинг учун ҳам корхонада ўтган 7 ойлик топшириқ 90 процент бажарилди, холос.

Завод давлат планини систематик равишда бажармай келганлиги сабабли 72 корхонага аппаратура етказиб бериш графигини бузди. Техника-иқтисодий кўрсаткичлар плани ҳам бажарилмади.

Корхона ма'мурияти (завод директори В. Фитисов, бош инженери П. Пантюхин ўртоқлар) ойлик ва кундалик графикларни тузиш, аммо цехларни старли хомаш'ё блан та'минлашни ўйламайди. Масалан: пресс парошоги етишмаслиги сабабли пластмасс цехидаги бирнеча станок кўп вақт бекор туриб қолади. Бундай ҳол қуюв, тайёрлов цехларида ҳам тез-тез бўлиб туради.

Заводда ишлабчиқариш топшириғини ҳардоим ошириб бажараётган ўнлаб илғорлар, рационализаторлик таклифи блан давлатнинг кўплаб маблағини тежаб келаётган Б. Кивенко, В. Костирев, В. Липин, И. Могильниченко, А. Левочкин сингари ўртоқлар бор. Лекин бу илғорларнинг иш тажрибасини оммалаштириш, ишчиларнинг техника билимини оширишга мутлақо э'тибор берилмайди.

Завод касаба союз комитети ишчилар ўртасидаги социалистик мусобақага юзаки раҳбарлик қилаётир. Шунинг учун ҳам ишлабчиқарини кенгаштлари кам ўтказилади. Техника прогрессига доир конференциялар, новаторлар тажрибасини оммалаштиришга доир суҳбатлар ўтказилмайди. Цех ва участкаларда меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Шу сабабли корхонада иш вақтидан фойдаланиш 70 процентни ташкил этади, холос.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорлари ички резерв ва имкониятлардан кенг фойдаланиш, технологияни процессларини янада такомиллаштириш каби вазифаларни қўйди. Завод ма'мурияти, партия, касаба союз ташкилотлари Пленум қарорларида кўрсатилган барча тадбирларнинг сўзсиз амалга оширилишини та'минлашлари лозим.

**Б. ИМОМОВ.**

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

# „Ленин район уй-жой бошқармасидаги найрангбозлар"

Газетанинг шу йил 20 август сонида юқорилаги сарлавҳа блан босилиб чиқан хатда Тошкент шаҳар Ленин район уй-жой бошқармасининг раҳбарлари меҳнатқашларнинг ариза ва шикоятларига бюрократларча муносабатда бўлаётгани, уйларни ремонт қилишда қайси қонуний иш тутаётгани кўрсатилган эди.

Меҳнатқашлар депутатлари Ленин район Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Юсупованинг редакцияга хабар қилишича текширишда газетада келтирилган фактлар тўла тасдиқланган.

Ўз мансабидан суиистеъмол қилгани учун Завьялов Ленин район ижроия комитети мажлисининг қарори блан район уй-жой бошқармаси бошлиғи вазифасидан олиб ташланган, бошқарманинг бош инженери Уколов қаттиқ огоҳлантирилган. Район ижроия комитети уй-жой бошқармасининг ишини қайтадан қуриш ва меҳнатқашларнинг уйлари ремонтини тезлаштириш тадбирларини кўрган.

# Ҳарбир теримчининг нормани ошириб бажариши учун курашайлик!

* *

## *Машина блан пахта териш бошланди*

**БУКА. (Телефон орқали олинди). Райондаги барча колхозлар ғўза баргини сунъий равишда тўкишга областьда биринчилар қаторида киришдилар. «Ленинизм» колхозининг ғўза барги сунъий тўкилган участкаларида 4 та СХМ-48 М машинаси мунтазам ишлаб турибди. Бу колхоздаги механизаторлар мавсумда 70 — 80 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олиб, кунлик графикни ортиғи блан бажариш учун курашмоқдалар.**

**Шунингдек, Ленин номли, Каганович номли колхозларда ҳам пахтани машина блан териш бошлаб юборилди. Терилган пахталарни шу ернинг ўзида кўсак чувиш машинасидан ўтказилиб, тайёрлов пунктларига жўнатилмоқда.**



Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг моҳир теримчиси Насиба Утебоева теримда янгидан-янги ютуқларга эришмоқда. У, кунлик нормани ортиғи блан бажариб, колхозчиларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқда. **Суратда: ўртоқ Насиба Утебоева.**

**М. Шевелев фотоси.**

## Оширилган мажбурият асосида

ОРЖОНИКИДЗЕ. **(Телефон орқали олинди.)** Яқинда бу ерда бўлиб ўтган илғор-теримчи ва механик-ҳайдовчиларнинг район кенгашида кўпгина теримчилар мавсумда 5—10—15 минг килограммгача пахта териб бериш юзасидан мажбурият олган эдилар. Улар ўз ва'даларини бажариш учун КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

«Ленинград» колхозининг а'золари Санобар Икромова ҳаркуни 200, Моҳина Файзиева ва Саврн Сидиқова ўртоқлар эса 185—190 килограммдан пахта тераётирлар. Шунингдек Назира Ўрмонова, Ҳакима Муҳаммедова каби ўнлаб илғор теримчилар кундалик топшириқни доимо икки ҳисса етказиб бажармоқдалар. Улар терим сур'атини ҳарқачонгидан ҳам ошириш учун бригада а'золари ўртасида ўзаро мусобақани кенг авж олдириб юбордилар. Шунинг учун колхоз бўйича ҳар куни йиллик планнинг 2 процентни миқдорида пахта тайёрланаётир.

Шунингдек райондаги Киров номли колхозининг ўртоқ Муҳаррам Ҳамилова бошлиқ бригада а'золари пахта йиғим-теримини ўтган йилга қараганда бирнеча кун илгари бошладилар. Бригада а'золари йил бўйи фидокорона меҳнат қилиб етиштирилган мўл ҳосилни сра нобуд қилмай ўз вақтида териб олиш учун астойдил ишламоқдалар.

Яқинда район колхозларининг 5 кунлик иши якунланди. Беш кунликда йилдик планнинг 6,3 процентни миқдорида пахта топширган Охунбобоев номли колхоз биринчиликни эгаллади ва колхозга район кўчма Қизил байроғни топширилди. Йиғим-теримда юқори кўрсаткичларга эришган Охунбобоев номли колхоз пахтакорлари кўчма Қизил байроғини ўз қўлларида сақлаб қолиш мақсадида сур'атни янада ошириш учун социалистик мусобақани кенг қизитиб юбордилар.

Гулистон район пахтакорлари партия ва ҳукумат қарорларига амал қилган ҳолда пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун астойдил курашдилар. Кенг майдонларда мажбуриятни қоплайдиган миқдорда ҳосил етиштирдилар. Ҳамма гап шу бўлиқ ҳосилни сра ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олиб давлатга топширишдадир.

Ҳозир райондаги илғор колхозларда пахта йиғим-терими тобора қизиб бормоқда. КПСС XX с'ездн шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилган илғор — кўпнинг қилограммчи теримчилар ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. Йиғим-терим иши яхши ташкил этилган «Красная заря», Свердлов номли, Крупская номли, Хрушчев номли колхозлар, айниқса олдинда бормоқда. «Красная заря» колхозида кўпгина теримчилар кунлик нормани ошириб бажараётирлар. 400 теримчидан 75 киши кунда 100 килограммдан 234 килограммгача пахта териб ўз мажбуриятини анча ошириб бажараётир. Ўртоқ Қорасоч Арслонова ҳар куни 234 килограммгача етказиб пахта териб, энг олдинда бораётган бўлса, Шарофат Аҳмедова, Карим Қўзибоев, Ширинхол Очилова, Рисол Турдалиева ўртоқлар 180—200 килограммдан пахта териб, ўртоқ Қорасоч Арслоновага етиб олиш ва ҳатто унлан ўзиб кетиш учун курашмоқдалар.

Колхоз партия ташкилоти илғор теримчилар тажрибасини кенг ёйиш учун бутун чораларни кўрмоқда. Бунда кино-газета айниқса яхши натижа бераётир. Кун оралаб берилаётган киносеанс олдидан илғорларнинг иш натижаси экранда кўрсатилиб турилипти.

Хрушчев номли колхознинг 87 теримчиси дастлабки кунларда ўрта ҳисоб блан 80—90 килограммдан пахта терган бўлса, ҳозир улар 130—135 килограммдан пахта тераётирлар. Иш ана шундай ташкил этилган колхозларда терим сур'ати кундан-кунга ошмоқда.

Броқ ҳамма колхозларда ҳам аҳвол шундай деб бўлмайди. Айрим колхоз, совхоз раҳбарлари пахта йиғим-теримини қизитиб юбориш учун астойдил киришмаганлар. Улар «пахтамиз ҳали яхши очилгани йўқ» деган баҳона блан ҳамон хотиржамлик, ўзибўларчилик кайфиятида юрипти-лар.

Масалан, Бушуев номли совхоз директори Галицинский ва партия ташкилотининг секретари Халимов ўртоқлар то сўнгги кунларгача пахта теримини бошлаб юбормаганлар. Ҳатто улар далани ҳам чиқиб кўрмаганлар. Ҳолбуки совхознинг ўртоқ Гафуров ва бошқалар бошлиқ бригадаларида пахталар қийғос очилиб ётибди. Аммо кейинги кунларгача пахтага қўл ҳам текизилмаган. Свердлов номли колхозда (раиси ўртоқ Ким Г.) Фрунзе номли колхозда (раиси ўртоқ Х. Орипов), Пушкин номли колхозда (раиси ўртоқ Тўраев) ҳам аҳвол шундай. Бу колхозлар пахта теримида ва терилган пахтани давлатга топширишда орқада қолмоқдалар.


Районда пахта теримининг суст давом этишига, колхозлардаги барча ишчи кучларининг пахта теримига тўла сафарбар этилмаганлигига ва пахта теримига жалб этилган кишиларнинг кунлик нормани тўла ало этмаётганликларига социалистик мусобақанинг кучайтирилмаганлиги сабаб бўлаётир. Айниқса Пушкин номли, Крупская номли, Карл Маркс номли, Молотов номли колхозларда теримга жажатилган кучлар ишга тўла сафарбар этилмаган. Шунинг натижасида бу колхозларда кунлик пахта топшириш графиги бажарилмаётир.

Район колхозларида терилган пахтани пешма-пеш давлатга топшириш ишн ҳам яхши уюштирилмаган.

Транспорт воситалари мавжуд бўлгани ҳолда кўп колхозларда терилган пахта шу куннинг ўзида топширилмай, чўкиб қолмоқда. Калинин номли, Свердлов номли, Крупская номли ва бошқа колхозларда айрим кунлари терилган пахтанинг арими ҳам пунктга юборилмай қолмоқда. Утган кунларда Калинин номли колхозда терилган 9209 килограмм пахтадан 5600 килограмми, Свердлов номли колхозда 11700 килограмм пахталан 6300 килограмми, Пушкин номли колхозда 5973 килограмм пахтадан фақат 2700 килограмми пунктга топширилган. Бунлай аҳвол бошқа колхозларда ҳам юз бермоқда.

Гулистон районидаги колхоз далаларида етишган мўл-кўл пахталар чаман-чаман бўлиб очилиб ётибди. Бу мўл ҳосилни жалал териб олиш пайти ўтиб бормоқда. Лекин шундай ҳал қилучи кунларда райондаги бирқатор колхозларда юз бераётган хотиржамлик, суесткашлик, уюшқоқсизлик кайфиятлари пахта йиғим-терим сур'атини пасайтириб юбормоқда. Гулистонлилар бу ярамас аҳволга қат'ий зарба бериш блан, кунига камида 2 процент пахта териб давлатга топширишни та'минлашлари лозим. Бунинг учун районда ҳамма имкониятлар бор.

**Б. ХАЛИЛОВ,**
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.



Бекобод районидаги пахта тайёрлаш пункти колхозлардан келаётган пахтани ўз вақтида қабул қилиб олмоқда. Биринчи куни Молотов номли колхознинг азамат пахтакорлари йиллик планнинг 2 процентн миқдорида пахта топширдилар. **Суратда:** Бекобод пахта тайёрлаш пунктида.

**А. Ким фотоси.**
(ЎзТАГ фотохроникаси)

## Машиналарни теримга пухта тайёрламоқдалар

Гулистон районидаги 2-нчи МТС механизаторлари пахтани машина блан теришга киришиш арафасида пахта териш ва кўрак чувиш машиналари ремонтини ўз вақтида юқори сифатли ўтказиш учун курашмоқдалар.

МТС зонасидаги 2265 гектар пахта майдонининг 1800 гектарини машина блан териш мўлжалланган. Пахтаси машина блан териладиган майдонлар ажратилиб қўйилди ва барча участкалардаги ариқлар ва ўнқир-чўнқир бўлиб ётган ерлар текисланмоқда.

МТСда ҳаммаси бўлиб 51 та пахта териш ва 27 та кўрак чувиш машинаси бор. Ҳозир пахта териш машинасидан 33 таси ремонтдан чиқарилди. Кўрак чувиш машинасининг барчаси тўла ремонт қилиниб, колхозларга юборилди. Бу йил МТСнинг электростанцияси қайта ускуналаниб, дизель мотори ўрнатилди. Натижада токарьлик, слесарьлик ва темирчилик цехлари нормал ишлаб, ремонт ишларининг сур'ати илгарги вақтларга қараганда бирмунча тезлашди.

МТС механизаторлари ўртасида КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Алексей Горбунов, А. Сайдуллаев ва Ботир Маҳрамов ўртоқлар бошлиқ трактор бригадаларининг механизаторлари социалистик мусобақала яхши натижаларга эришиб, ўз бригадаларида бўлган пахта териш ва кўрак чувиш машиналари ремонтини қисқа вақт ичида тугаллатилар. Айниқса бу бригадаларнинг Усар Усмонқулов, Халил Маматқулов, Зуфқайр Қулназаров ва Шароф Нурматов каби механизаторлари ўз агрегатларини юқори сифат блан ремонт қилиб қўйдилар.

МТС механизаторлари машиналар ремонтини яқин кунларда тамомлаш ва машнада пахта теришни оммавий равишда бошлаб юборишга аҳд қилдилар.

**Т. РУЗИБОЕВ.**

# Қишлоқ хўжалик артели Уставига қат'ий риоя қилайлик

Яқинда, Свердлов номли концерт залида колхозларнинг бухгалтерия ва МТС-ларнинг ер тузиш ходимлари ҳамда суд ва прокуратура ходимларининг область кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш ва қишлоқ хўжалик артели Уставига тўла риоя қилиш тўғрисида область партия комитетининг секретари ўртоқ **М. Фуломов** доклад қилди.

Докладчи кўрсатиб ўтдики, ҳисоб-китоб ишлари пухта уюштирилган ва яхши йўлга қўйилган колхозларда коллективнинг мол-мулки тўла сақланмоқда ва унинг талон-торож қилинишига мутлақо йўл қўйилмаётир. Янгийўл районидаги Сталин номли колхоз (раиси Абдулла Ортиқов, бош бухгалтери Шермат Раҳимов ўртоқлар) правлениеси ва бухгалтерия ходимлари колхознинг ҳарбир тийинини ҳам беҳуда сарфлашга йўл қўймайдилар. Улар колхозчилар фидокорона меҳнат қилиб етиштирган ҳосилнинг тўла сақланиб қолиши, колхозчиларнинг фаровон турмуш кечириши учун курашадилар. Шунинг учун ҳам колхоз хўжалиги ва экономикаси йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Колхоз ўтган йили 16 миллион сўмга етказиб даромад қилди. Ҳарбир меҳнат кунига 15 сўмдан пул, 2,5 килограммдан ғалла тақсимланди.

Броқ шу нарса ачинарлики, областимиздаги кўпгина колхозларда бухгалтерия иши ёмон йўлга қўйилганлиги учун етиштирилаётган маҳсулот айрим вақтларда ўринсиз сабаблар блан нотўғри сарфланмоқда. Бекобод районидаги «Большевик» колхозида ўтган йили йиллик ҳисобот яхши тайёрланмаган. Колхоз бухгалтериясининг ходимлари (бухгалтери Николай Цзю) бригада ва звеноларда бажарилган ишларнинг тўғри ҳисобга олинишн юзасидан контрольлик қилмаётирлар. Бу колхозда бухгалтерия иши жуда ёмон аҳволга тушиб қолган. Бухгалтерияда ҳисобот учун керакли кўпгина дафтарлар тутилмайди. Натижада 30 бош қўзи ва тўқли, 8 бош бузоқ, 4 тоннадан кўпроқ сут, 100 килограмм жун ва бошқа маҳсулотлар колхознинг кирим дафтарига ёзилмай қолган. Бу ҳолни Бўка районидаги Жамбул номли колхозда ҳам учратиш мумкин. Шу сабабли колхозда етиштирилаётган пахта ҳосили ва чорвачилик маҳсулотлари нотўғри ҳисобланиб, колхоз экономикасига катта зарар етказилмоқда.

Докладчи ва сўзга чиққан ўртоқлар колхоз еридан ўринсиз ва нотўғри фойдаланиш ҳоллари кўплаб учраётганлигини қайд қилдилар. Айрим районларда колхоз ерини талон-торож қилиш ҳоллари содир бўлмоқдаки, бунга мутлақо чидаш мумкин эмас. 1954 йилда Юқоричирчиқ районида пландагига нисбатан 512 гектар ерга ортиқ шоли экилгани ҳолда, бу тўғрида маълумот берилмаган. Гулистон районида эса шоли экилган 172 гектар ер яшириб қолинган.

Верхне-волинск районидаги Калинин номли колхоз 12 гектар ерга ортиқча шоли экканлиги тўғрисида район прокурори ўртоқ Галиуллинга ўз вақтида хабар қилинган бўлса ҳам, у, бу фактни текширган-у, лекин жиноятчиларга ўз вақтида қат'ий чора кўрмаган.

Колхоз ерини талон-торож қилиш фактлари Қуйичирчиқ районидаги бирқанча колхозларда, Ўртачирчиқ ва Ўртасарой районидаги колхозларда ҳам содир бўлмоқда. Бундай фактларни ўз вақтида фош қилиш, колхоз ерини талон-торож қилучиларга нисбатан қат'ий чора бериш керак!

Броқ ана шундай фактлар суд ва прокуратура органларига ма'лум бўлса ҳам, улар нима учундир келишучилик, расмиятчилик позициясидан туриб иш тутмоқдалар. Суд ва прокуратура органларининг ходимлари колхоз мулкини талон-торож қилучиларга нисбатан қат'ий чора кўриш ўрнига ана шундай фактларни фош қилишни галга солиб, айбдорларга нисбатан хомилик қилаётирлар.

Колхозлар ерининг талон-торож қилинишига йўл қўйилишида область ер тузиш бўлими (бошлиғи ўртоқ Соколов) ҳам айбдидир. Бу бўлим ходимлари ўз вазифаларини мутлақо қониқарсиз бажармоқдалар. Область қишлоқ хўжалик бошқармаси (ўртоқ Иброҳимов) ўз аппаратидаги барча звеноларга ишини яхшилаш тўғрисида жиддий иш олиб бормаётир. Колхозларда қишлоқ хўжалик артели Уставига қат'ий риоя қилиш масалалари блан чинакам шуғулланмаётир.

Колхозларда дебитор қарзларининг кўпайиб кетаётганлигига чидаб туриш мумкин эмас. 1955 йилнинг 1 январигача олинган ма'лумотларга қараганда колхозлардаги дебиторлик қарзлари 36 миллион 313 минг сўмга етган. Шу йилнинг биринчи ярмида эса дебиторлик қарзи 4 миллион 173 минг сўмга етди.

Колхоз раислари, бухгалтерлари ва тафтиш комиссиясининг а'золари дебиторлик қарзларининг тезроқ ундирилиши учун, колхоз пулининг нотўғри сарфланишига мутлақо йўл қўймаслик учун чинакам ғамхўрлик қилишлари керак.

Колхозлардаги тафтиш комиссияларининг ишини ҳартарафлама яхшилаш, уларга атрофлича ёрдам бериш ҳаржиҳатдан муҳимдир. Тафтиш комиссиялари қишлоқ хўжалиги артели Уставига биноан ҳар 3 ойда бир марта тафтиш ўтказиб туришлари, аниқланган қарз маблағларнинг ундирилиши устидан қат'ий иш олиб боришлари зарур.

Колхозларда айрим қишиларни четдан ёллаб ишлатишга мутлақо йўл қўймаслик керак. Лекин айрим колхозларнинг раислари ўз колхозларида усталар, ғишт қуючилар бўлишига қарамай, ана шундай касбдаги қишиларни четдан ёллаб ишлатмоқдалар. Бу эса колхоз хўжалигига катта зарар етказмоқда. Масалан, Ўртасарой районидаги «Коммунизм» колхозининг правлениеси Ҳайдаров деган кишига ғишт қуйиб бергани учун 41540 сўм нақд пул тўлаган. Ваҳоланки, бу ишни ҳарбир колхозчи ҳам бажараолар эди.

Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ, Янгийўл ва Бўка районларидаги ба'зи колхозларда ўтказилган текширишлар натижасида бу колхозлар бирнеча ой мобайнида гастрольга келган артистлар учун 100 минг сўмдан кўпроқ пул тўлаганлари аниқланди.

Чорвачилик маҳсулотини ҳисобга олиш тўғрисида ҳам кенгашда кўп гап бўлди. Кенгаш қатнашчилари ва докладчи шуни та'кидлаб ўтдики, айрим районларда колхозларда чорвачилик маҳсулотлари мутлақо ҳисобга олинмайди. Чунончи, Верхне-волинск районидаги М. Горький номли колхозда ҳарбир сигирдан соғиб олинган сут алоҳида ҳисобланмайди. Фермадан юборилаётган сут аравакашга ўлчанмай топширилади.

Бухгалтер кадрларни тайёрлаш масаласи кенгаш қатнашчиларининг диққат марказида бўлди. Ҳозирги вақтда малакали, билимдон бухгалтерлар ва бошқа бухгалтерия ходимлари етиштириш қониқарсиз аҳволда эканлиги та'кидланди.

Йиғилишда сўзга чиққан бирқанча ўртоқлар, чунончи: Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг бош бухгалтери **Ш. Раҳимов**, Тошкент районидаги 1-нчи МТСнинг инструктор бухгалтери **Ф. Исмоилов**, Сирдар'ё районидаги Маленков номли колхознинг бош бухгалтери **Шамсиддинов**, Чиноз район МТСининг инструктор бухгалтери **Бакиров** ва бошқа ўртоқлар, агар колхозларда ҳисоб-китоб ишлари яхши йўлга қўйилса, колхознинг ҳарбир тийин пули ва ҳарбир килограмм галласи, унинг мол-мулки кўз қорачиғидай сақланса, хўжаликни ҳартарафлама мустаҳкамлаш, колхозчиларнинг фаровон турмуш кечиришига эришиш мумкинлиги тўғрисида батафсил гапирдилар.

Сирдар'ё районидаги Маленков номли колхознинг бухгалтери ўртоқ Шамсиддинов кейинги икки йил ичида ҳисоб-китоб ишлари яхши йўлга қўйилгани учун ўтган йилнинг ўзидаёқ сметалагига нисбатан 50 минг меҳнат куни кам сарфланганлигини айтиб берди. Ҳисоб-китоб ишлари яхшиланиб, бу йил ҳозиргача ҳарбир қўйдан 1 килограмм 750 граммдан жун қирқиб олиниб, давлатга топширилган.

Кенгаш қатнашчилари колхоз мол-мулкини, жамоат ерини кўз қорачиғидай сақлаш, қишлоқ хўжалик артели Уставининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида зарур тадбирларни белгилалилар. Шу билан бирга кенгаш қатнашчилари пахтачиликни, чорвачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини кескин равишда ривожлантириш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш учун курашажакларини айтдилар.

# Совет фани халқ хўжалиги хизматида

«Илмий-текшириш институтларининг, олий ўқув юртларининг, конструкторлик бюроларининг ва завод лабораторияларининг ишлари активлаштирилсин, техникани тараққий этдиришда биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ҳал этишга уларнинг эътибори жалб қилинсин; корхоналарнинг, лабораторияларнинг, илмий-текшириш муассасаларининг ва олий ўқув юртларининг экспериментал базалари кенгайтирилсин ва уларнинг лабораторияларини техника билан қуроллантириш анча яхшилансин»

(КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг «Саноатни янада юксалтириш, техникани янада тараққий этдириш ва ишлабчиқаришни ташкил этишни янада яхшилаш вазифалари тўғрисидаги»ги қароридан).

## ИШЛАБЧИҚАРИШ БЛАН ҲАМКОРЛИКДА

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларида олимлар билан ишлабчиқариш ўртасидаги ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш асосида социалистик саноатда янги техника ва мавжуд технологияни такомиллаштириш каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Ўрта Осиё политехника институтининг ўқитучилари ва илмий ходимлари ўз ишларини Пленум қарорлари асосида қайта қуриб, ишлабчиқариш билан ҳамкорликда ижодий иш олиб бормоқдалар.

Институтнинг деярли барча факультет ва кафедраларида студентларнинг назарий билими ишлабчиқариш корхоналарида практик машғулотлар билан мустаҳкамланмоқда. Институт илмий ходимлари саноат корхоналари коллективлари билан ҳамкорликда ишлаб, яхши натижаларга эришаётирлар. Механика факультети ходимлари пахтачилик бўйича Давлат махсус конструкторлик бюроси ва «Ташсельмаш» заводининг инженер-техник ходимлари билан биргаликда янги горизонталь-шпинделли СХС-1,2 пахта териш машинасини ўзлаштириш мақсадида янги хил трактор конструкциясини ишлаб чиқдилар. Завод коллективи ҳозир ана шу конструкция асосида янги пахта териш машинасини ишлаб чиқарабошлади.

Машинасозлик технологияси кафедрасининг доцентлари В. Н. Кришталь ва Г. Б. Фикс-Морголин, ассистент Билбае, «Ташсельмаш» заводининг ходимлари Фурман, Голованов, Абель ўртоқлар билан биргаликда пахта теручи СХС-1,2 машинасининг шпинделини олдий усулда тайёрлаш конструкциясини ишлаб чиқилар. Бунинг натижасида завод йилига 4 миллион сўмдан ошиқ маблағни тежайди.

Физика-технология факультетининг илмий ходими К. В. Астафьев ғишт пиширши печининг янги конструкциясини тузиб, ишлабчиқаришга топширди. Бу тунель печи ғишт пиширишни илгариги 48 соат ўрнига 6 соат ичида бажаради. Шунингдек, химика-технология факультетининг илмий ходимлари Чирчиқ электрохимия комбинати коллективи билан ижодий ҳамкорликни мустаҳкамламоқдалар.

Трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари кафедрасининг илмий ходимлари ўзиюрар трактор тележкасини яратиш устида ишламоқдалар. Унинг дастлабки намунаси ҳозир ишлабчиқаришда синаб кўрилмоқда. Машиналар детали ва механизмлар кафедрасининг доценти С. А. Александров Ўзбекистон ипакчилик илмий-текшириш институтининг ходимлари ва «Ташгекстильмаш» заводи коллективи билан ҳамкорликда пилла ўраш автоматини яратиш устида иш олиб бормоқда.

Институт илмий ходимлари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари асосида Ўрта Осиё республикалари корхоналарининг ходимлари, айниқса Ўзбекистон металлургия заводи, Оҳангарон кўмир кони, «Чирчиксельмаш» заводи каби йирик саноат корхоналари ходимлари билан биргаликда социалистик саноатнинг технологик процессларини такомиллаштириш ва янги техникани жорий этиш устида ишлашни янада кучайтириб юбордилар.

Институт коллективи саноат корхоналари ходимлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, социалистик саноатимизни ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшадилар.

**М. НИЁЗОВ,**

Ўрта Осиё политехника институтининг директори.

## Қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантирайлик

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қишлоқ хўжалик институти ходимлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашмоқдалар. Пленум қарорларига жавобан республикамиздаги колхоз, совхоз ва МТСларга пахтачиликни ва чорвачиликни янада ривожлантиришда яқиндан амалий ёрдам бериш юзасидан конкрет мажбурият олдилар. Бу мажбуриятни бажариш соҳасида ҳозиргина ўзидаёқ бирмунча ишлар қилинди.

Институт пахтакорларимизга ғўзанинг ҳосил тўплаш даврида фосфор билан баргидан озиқлантириш усулини кенг қўлланишни тавсия этди. Бу усул пахта ҳосилини 3—4 центнер ошириш, унинг пишиб етилишини 6 — 8 кунга тезлатиш, шунингдек, пахта толасининг сифатини ошириш имконини беради.

Чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш учун институт томонидан колхоз ва совхозларда мустаҳкам ем-хашак базасини яратиш мақсадида силослашнинг рационал усули ишлаб чиқилди.


Институт ходимлари Оржоникидзе, Паркент, Ўртачирчиқ, Мирзачўл, Янгийўл ва Оққўрғон районларига тез-тез бориб турибдилар. Олимлар бу районларнинг колхозларида маҳаллий ем-хашакларни бактерияли ачитқи ёрдами билан силослашни қандай ўтказиш кераклигини амалда кўрсатиб бердилар. Ўзбекистон шароитида ем-хашакни силослашнинг микробиологик асослари тўғрисида лекция ва суҳбатлар ўтказдилар.

Ҳозирги вақтда институт томонидан махсус экспедиция ташкил этилган. Бу экспедиция колхоз, совхоз ва МТС ходимлари билан биргаликда тупроқни колхоз олими Т. С. Мальцев усули билан ишлаш ҳамда ғўзани квадрат-уялаб парваришлаш соҳасидаги илғор тажрибаларни умумлаштириш устида ишлайди. Институт ходимлари Тошкент областининг ер ва об-ҳаво шароитини ҳисобга олган ҳолда пахтани квадрат-уялаб етиштириш усулининг энг қулай йўлини топиш устида ишламоқдалар.

Шунингдек, институт ходимлари маккажўхори етиштириш агротехникасини чуқур ўрганиш ва унинг энг рационал йўлларини топиш устида илмий-текшириш ишлари олиб бормоқдалар.

**М. АЛЕКСАНДРОВ,**

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қишлоқ хўжалик институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.



Ўзбекистон олимлари республикамиз экономикасини янада ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлган муҳим проблемаларни ҳал этиш устида ишлабчиқариш билан ҳамкорликда илмий-текшириш ишлари олиб бормоқдалар. Суратда: (чапдан биринчи қаторда) химия фанлари доктори **О. С. Содиқов**, **Ф. И. Учеваткин**, биология фанлари кандидати **Э. И. Ган**, биология фанлари доктори **Е. П. Коровин**, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти **Т. З. Зоҳидов**, физика-математика фанлари доктори **Ю. Т. Тошпўлатов**, иқтисодий фанлар кандидати **К. Н. Бедринцев**, (чапдан иккинчи қаторда) иқтисодий фанлар кандидати **Б. А. Десятчиков**, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси **С. С. Содиқов**, иқтисодий фанлар кандидати **К. Н. Нурматов** ўртоқлар.

В. Салов фотоси.

## *Фаннинг ишлабчиқариш билан ижодий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлайлик*

**Т. З. ЗОҲИДОВ,**

**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти.**

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва унинг илмий-текшириш институтлари Партия ва Ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги туфайли республикамиз халқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг табиий ишлабчиқариш кучларини ўрганиш учун катта аҳамиятга эга бўлган актуал проблемаларни ҳал этиш соҳасида илмий-текшириш ишларини йилдан-йилга кенгайтиромоқдалар, бирқанча қимматли тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Институтларимиз саноат корхоналари, транспорт, йирик қурилишлар, шахталар ва қишлоқ хўжалик ишлабчиқариши билан ҳамкорликни борган сари кучайтириб, уларга ишлабчиқариш воситаларидан унумли фойдаланишда, иш методлари ва технологик процессларини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда янги маҳсулот яратишда илмий жиҳатдан ёрдам бериб келмоқдалар.

Химия институти ходимлари Чирчиқ электрохимия комбинати мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб, муштлашиб қолмайдиган селитра ҳосил қилиш методи ва технологиясини ишлаб чиқдилар. Натижада селитрадан фойдаланиш ниши анча яхшиланди. Ҳозир Кемерово ва Лисичанский химия комбинатларида ҳам селитра ишлабчиқаришда бу метод қўлланилмоқда. Яқин келгусида мамлакатимизнинг барча ўғит ишлабчиқариш корхоналарида бу янглик тўла жорий этилади.

Химиявий ўғитлар лабораторияси ишлабчиқариш ташкилотлари ва махсус илмий-текшириш институтлари билан биргаликда, оммонийлаштирилган суперфосфат ва СУМ — 1 маркали кўпроқ концентратташтирилган ва таъсир кучи зўр минерал ўғитларнинг янги турларини яратди. Бу усул мавжуд усуналарнинг ўзидан фойдаланилган ҳолда қўшимча ўғит олишга имкон беради.

Тошкент битум заводида нефтьни сувсизлантириш методи ишлаб чиқилди ва бу метод ишлабчиқаришга жорий этилди. Бунинг натижасида ҳар йили 2 миллион сўмга яқин маблағни тежаш, шунингдек бошқа реконструктив комплекс тадбирларни амалга ошириш йўли билан заводнинг ишлабчиқариш қувватини 6 баравар кўпайтириш мумкин.

Хилкова ва Қувасой цемент заводларида маҳаллий глинани қўшиш йўли билан, Оҳангарон заводида эса глинитни қўшиш йўли билан сульфатга чидамли цемент тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилди. Бироқ, сульфатга чидамли цемент ишлабчиқаришда бу технологияни жорий этиш иши Пттифоқ ва республика бинокорлик материаллари саноати министрликлари томонидан амалга оширилмай келмоқда.

Физика-техника институтида электр токларининг юқори вольтли селен випрямителларини исашнинг янги технологияси ишлаб чиқилди. Бу технологиянинг қўлланилиши натижасида випрямителларнинг фойдали иш коэффициенти анча ошади. Янги технология ҳозир Москва заводларида жорий этилмоқда. Институтда чигитни пахтанинг намлигини тезда аниқлаш учун электрик влагамер (намўлчагич)нинг янги конструкцияси ишланди. Бу асбобни кўплаб ишлабчиқариш масаласида ЦНИИПРОМ (Пахтачилик саноати марказий илмий-текшириш институти) бутунлай бетарафлик позициясида туриб қолди. Шунинг учун ҳам бирнеча йиллар давомида влагомернинг атиги 30 та нусхасигина фақат Москва заводларида тайёрланди.

Энергетика институти бошқа-бошқа жойдаги гидроэлектростанцияларнинг параллель ишлашини таъмин этадиган тезликнинг автоматик регуляторини ишлаб чиқди. Иншоотлар институти эса, сейсмик (ер қимирлаб турадиган) районлар учун монолит стиклар ва йиғма темир-бетон конструкциялар яратиш ҳақида таклифлар тайёрлади. Шунингдек, хоналарни ажратиш учун гўзапоялардан плиталар тайёрлаш методи ҳам ишлаб чиқилди. Ленинград заводларида бу плиталар синаб кўрилганда уларнинг сифатли эканлиги аниқланди. Экономика институтининг ходимлари кейинги йилларда ички ишлабчиқариш резервларидан фойдаланиш, маҳсулот таннархини камайтириш, пахта заводларида иш ҳақини ташкил этишдаги камчиликларни бартараф қилиш устида илмий иш олиб бордилар.

Шу билан бир қаторда Фанлар академияси институтларининг иш даражаси ва миқ'ёси олдимизда турган катта талабларга тўла жавоб бераолмаётганлигини ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Ҳали илмий хулосаларни саноат ва қурилишга жорий этишда бирталай камчиликлар бор. Вазифа — бу камчиликларни бартараф қилиш, ишимизни активлаштиришдан иборатдир. Шуни ҳам айтиш керакки, фан хулосалари ва янги таклифларни ишлабчиқаришга жорий этиш фақат илмий-текшириш муассасаларининг ўзигагина эмас, балки саноат корхоналари ва бошқа алоқадор ташкилотларга ҳам боғлиқдир. Лекин айрим саноат корхоналари ва ташкилотларнинг раҳбарлари илмий ходимларнинг таклифларига етарли даражада баҳо бермаётирлар. Масалан, математика ва механика институти ишлабчиқарилаётган маҳсулот сифатини контроль қилишнинг статистик методини таклиф этди. Бу метод ҳали номукаммал бўлишига қарамасдан маҳсулот сифатини контроль қилишда анча фойдалидир. Бу метод «Ташсельмаш» заводида жорий қилиниши керак эди. Лекин завод раҳбарлари шундай позицияда туриб олдиларки, натижада бошланган ишни охиригача олиб бориш мумкин бўлмади.

Битум заводи чиқитларидан ўргимчаккана, шира ва бошқа зараркунандаларга, шунингдек зарпечакка қарши ишлатиш мумкин бўладиган эмульсия олиш методи ҳам таклиф этилган эди. Бироқ, фанга имконият бўлишига қарамасдан бу эмульсияни ишлабчиқариш ҳалигача ташкил этилмаган.

Гидролиз заводларида ёрдамчи маҳсулот сифатида чиқадиган фурфуролдан фойдаланиб, ғўза баргини тўкишда ишлатиш мумкин бўладиган янги энлотан деган дори тайёрлаш тўғрисидаги таклиф ҳам ишлаб чиқаришга жорий қилинмасдан келаётир. Бунга қоғоз ва химия саноати министрликлари ўртасидаги ўзаро келишмовчилик сабаб бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалик институти торқаторлаб ўстириладиган ғўза қатор ораларини узунасига ва кўндаланигига культивация қилишда ишлатиладиган янги универсал иш органларини таклиф этди. Республика Министрлар Совети бу иш органлари конструкциясини маъқуллаб, уни ишлабчиқаришни «Чирчиксельмаш» заводига топширган эди. Бироқ, «Чирчиксельмаш» заводи бу топшириқни ҳамон бажармаётир.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси олдида республикамиз иқтисодий районларининг ишлабчиқариш кучларини комплекс ривожлантириш перспективларини ишлабчиқиш вазифаси турибди. Биз Амударёнинг этак районлари, Зарафшон водиси ва Тошкент иқтисодий районининг перспектив ривожланиш планларини ишлабчиқишимиз керак. Бу ишлабчиқаришни тўғри жойлаштиришга ва уларда комплекс равишда ривожланган хўжаликни яратишга ёрдам беради.

Ўртоқ Н. А. Булганин КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида қилган докладида «Олимларни қатнаштирмасдан туриб, кенг миқ'ёсда илмий иш ва тадқиқотлар олиб бормасдан туриб, саноатни, бутун халқ хўжалигини муваффақиятли ривожлантириш, техникани тараққий эттириш мумкин эмас» деб кўрсатган эди.

Шунинг учун ҳам биз олимларимизнинг илмий фаолиятини саноат ва қишлоқ хўжалигига яқинлаштиришимиз, фан билан ишлабчиқариш ўртасидаги ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларида белгилаб берилган улуғвор вазифаларни бажаришга ўз муносиб ҳиссамизни қўшишимиз керак.

## ТЕХНИКА ПРОГРЕССИ УЧУН

Институтимиз коллективи бирнеча йиллардан бери И. В. Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинати, «Ташгекстильмаш» заводи, Тошкент пахта тозалаш заводи ва бошқа корхона коллективлари билан ижодий ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Институт ходимлари юқоридаги корхона коллективлари билан биргаликда ҳар йили илмий-техника конференциялари ўтказиб турадилар.

Институт илмий-ходимлари тўқимачилик комбинати билан ҳамкорликда ишлаб, айрим муҳим проблемаларни биргаликда ҳал қилиш устида бирмунча ишларни қилдилар. Жумладан, машинада терилган пахтани пахта тозалаш ва тўқимачилик саноатида қайта ишлаш проблемаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, Янгийўл пахта заводи ва Тошкент тўқимачилик комбинати билан биргаликда ишлабчиқаришни ташкил этиш, пахта толасини йигириш, тўқиш ва корхона экономикасини ўрганиш юзасидан институт кафедралари катта иш олиб бордилар. Бу ишларнинг натижалари СССР Фанлар Академиясининг тўқимачилик секцияси томонидан маъқулланди.

Машиналар детальлари кафедрасининг аъзолари пахта тейларини автомашиналарга ортиш ишларини механизациялаш усулини ишлаб чиқдилар. Бу усул маъқулланиб, ишлабчиқаришга жорий қилинди. Тўқимачилик кафедрасининг аъзолари турли хил тўқималарнинг сифатини янада яхшилаш мақсадида, уларнинг тузилиши ва хусусиятларини ўрганиш масалалари билан шуғулланмоқдалар.

Пахта тозалаш ва тўқимачилик саноатида янги техника ва илғор технологияни ишлабчиқаришга кенг жорий қилиш мақсадида бир қанча муҳим талабларни амалга ошириш планлаштирилди. Жумладан, Тошкент тўқимачилик комбинатида тузилган комплекс бригадалар биринчи фабрикада асосларнинг тез-тез узилиб туриши сабабларини ўрганиш ва уларни тугатиш, шунингдек комбинат механика заводида металларни эритиш сифатини яхшилаш устида иш олиб бормоқдалар. Худди шундай ишлабчиқариш новаторлари, инженер-техник ходимлари ва олимлардан иборат тузилган комплекс бригадалар «Ташгекстильмаш» заводида ҳам иш олиб бормоқда. Ишлабчиқаришнинг айрим масалаларини ҳал этишга институт студентлари кенг жалб қилинмоқда.

Институт коллективи корхоналарда билимнинг барча соҳалари бўйича лекция пропагандасини олиб боришда катта ёрдам бермоқда. Кейинги икки йил мобайнида институт ходимлари томонидан ишлабчиқаришга янги техникани жорий қилиш, фан ва техника янгиликлари, марксча-ленинча назария, иқтисодий темада, халқаро аҳвол ва шунга ўхшаш соҳалар бўйича 310 та лекция ўқилди.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини тўла бажариш учун биз ҳали жуда кўп ишларни қилишимиз керак. Шубҳа йўқки, институтимизнинг илмий коллективи бу муҳим масалаларни муваффақиятли ҳал этишга эришадилар.

**З. АБДУЛЛАЕВ,**

Тошкент тўқимачилик институтининг директори.

## Машиналарнинг янги конструкциясини яратамиз

Партиямиз Марказий Комитети июль Пленумининг социалистик саноатимизни янада юксалтириш ҳақидаги қарори корхона коллективлари, илмий-текшириш муассасаларининг ходимлари билан биргаликда конструкторлар олдига ҳам жуда катта вазифаларни қўйди. Пленум конструкторлардан мавжуд машиналарни янада такомиллаштириш, яни, ишни унумли юқори ва фойдаланишга қулай бўлган машиналар конструкциясини яратишни талаб қилди.


Пахтачилик бўйича Давлат махсус конструкторлик бюросининг ходимлари Пленум қарорига жавобан ўтган давр ичида мавжуд машиналар конструкциясини соддалаштириш, машиналар оғирлигини камайтириш юзасидан бирқанча ишларни қилдилар. Жумладан, СХС-1,2 маркали горизонталь шпинделли пахта териш машиналари, СНК-4 маркали кўрак териш, ГУМ маркали ғўзапоя йиғадиган машиналар конструкциясини ишлаб чиқдилар ва уларни заводларга топширдилар. Шунингдек, биз чигитни бирйўла 8 қаторга экадиган ва ўғитлайдиган сеялкалар конструкциясини тамомлаб, ишлабчиқаришга топширдик.

Конструкторлар мавжуд машиналарни янада такомиллаштириш, уларнинг таннархини тобора камайтириш мақсадида корхоналарнинг инженер-техник ходимлари ва ишлабчиқариш новаторлари билан ижодий ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Ишлабчиқариш новаторларининг таклифлари биргаликда кўриб чиқилмоқда, улар янада такомиллаштирилиб, ишлабчиқаришга жорий қилинмоқда. «Ташсельмаш» заводининг рационализаторлари кўпгина детальларни соддалаштириш ҳақида таклиф киритдилар. Биз бу таклифни ўрганиб чиқиб, унинг айрим камчиликларини тузатдик ва корхона инженер-техник ходимлари билан биргаликда ишлабчиқаришга жорий қилдик.

Коллективимиз олдида социалистик қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш соҳасида жуда катта ва шарафли вазифалар турибди. Биз машиналар конструкциясидаги камчиликларни тугатиш ва уларни янада такомиллаштириш учун ишлабчиқариш билан бўлган ижодий ҳамкорлигимизни бундан кейин ҳам мустаҳкамлаймиз, халқ хўжалиги учун зарур бўлган янгидан-янги машиналар конструкциясини тайёрлаб берамиз.

**В. КОТОВ,**

Пахтачилик бўйича Давлат махсус конструкторлик бюросининг бош конструктори.



*

**Суратда:** (чапдан) Тошкент тўқимачилик институтининг илмий ходими доцент **В. И. Будников**, «Таштекстильмаш» заводи махсус конструкторлик бюросининг бош инженери **Б. А. Микуров** ва институт машина ва механизмлар кафедрасининг мудири доцент **Л. Е. Эфрос** ўртоқлар юпқа газламаларни текислайдиган машинани модернизациялаш масаласини муҳокама қилмоқдалар.

**Н. Меламед** фотоси.

*

*

**Суратда:** Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институти алколоидлар химияси лабораториясининг илмий ходимлари **С. Т. Акрамов** ва **Н. В. Плеханова** ўртоқлар бегона ўтлардан олинган алколоид эритмасининг температурасини аниқламоқдалар.

**В. Салов** фотоси.

*



## СОВЕТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ДЕЛЕГАЦИЯСИ АВСТРИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

14 сентябрьда совет қишлоқ хўжалик делегацияси Москвадан Венага учиб кетди. Бу делегация составида Бутуниттифоқ чорвачилик институтининг директори И. М. Кузнецов, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги қишлоқ хўжалигини электрлаштириш Бош бошқармасининг бошлиғи Г. П. Кулефеев, К. А. Тимирязев номли Москва қишлоқ хўжалик академиясининг профессори Н. А. Масурьян, «Омский» совхозининг директори И. Ф. Нечаев, СССР Совхозлар министрлиги фан бўлимининг бошлиғи М. Я. Краснов бор. (ТАСС).

## БОЛГАРИЯ ЕНГИЛ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

СОФИЯ, 13 сентябрь. (ТАСС). Иккинчи бешйилликнинг икки ярим йили ичида Болгариянинг енгил ва озиқ-овқат саноати халқ исте'моли товарлари ишлаб чиқаришни анча кўпайтирди ва уларнинг сифатини яхшилашга муваффақиятларга эришди. Болгария Коммунистик партиясининг VI с'езди томонидан ишлабчиқаришни кўпайтириш ҳақида қўйилган вазифа муваффақият билан бажарилмоқда. Енгил ва озиқ-овқат саноатининг айрим тармоқларида ишлабчиқариш 1955 йилда 1948 йилдагига нисбатан деярли уч баравар ортди, шу жумладан, ип газлама ишлаб чиқариш 2,2 баравар, шерсть газлама—1,9 баравар, шойи — 2,4 баравар, оёқ кийимлари — 12 баравар, сабзавот консервалари — 7,9 баравар, мева консервалари — 5,9 баравар, кондитер моллари — 5,5 баравар, ўсимлик ёғи — 3,1 баравар ортди ва ҳоказо.

Кейинги вақтда янги, илғари чет эллардан келтирилиб турган кўпгина товарлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шу йилнинг биринчи ярмидагина 50 та янги хил шерсть газлама, 33 хил ип газлама ва 16 хил шойи газлама ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг коллективлари меҳнат унумдорлигини оширмоқдалар ва маҳсулот таннархини камайтирмоқдалар. Иккинчи бешйилликнинг дастлабки икки ярим йилида енгил ва озиқ-овқат саноати Министрлигининг корхоналарида меҳнат унумдорлиги 16 процент ортди, маҳсулот таннархи эса, 9,44 процент камайди.

## Вьетнам Халқ армияси қўмондонлигининг меморандуми

ХАНОЙ, 13 сентябрь. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги хабар беради: Вьетнам Халқ армиясининг бош қўмондони генерал Во Нгуен Зиап Вьетнамдаги кузатиш ва контрольлик қилиш халқаро комиссиясининг раисига Нго Дин Дьем ма'мурларининг қилаётган ишларини қоралайдиган меморандум юборди.

Меморандумда бундай дейилади: қуролли кучлар белгиланган зоналарга олиб бориб қўйилгандан кейин Женева битимларини бажариш сиёсий проблемаларни ҳал қилишнинг янги даврига кирди. Бунинг натижасида эркин илон сайловлар ўтказиш масаласи тўғрисида Шимолий Вьетнам билан Жанубий Вьетнам ҳукумат ма'мурларининг консультатив конференцияси 1955 йил 20 июльда чақирилиши керак эди. Броқ, Жанубий Вьетнам ҳукумат ма'мурлари сиёсий консультацияларни ўтказишдан бош тортишни шу вақтгача давом эттирмоқдалар.

Жанубий Вьетнам ҳукумат ма'мурларининг Женева битимларини бузишга қаратилган тадбирларини ўтказаётганликлари сабабли, шунингдек француз ҳукумат ма'мурларининг иккиланчи позицияси сабабли, дейилади меморандумда, Женева битимларининг бундан бўён бажарилиши жиддий хавф остида қолмоқда.

Америка вакиллари ва Жанубий Вьетнам ҳукумат ма'мурлари, дейилади меморандумда, Женева битимларини саботаж қилаётганлиги учун, кескинлик кучайиб бораётганлиги учун жавобгарлардир. Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумати Женева битимларига қаттиқ риоя қилиш ниятидан қайтмаганлигини ва шу битимларнинг амалга оширилишини барбод қилиш йўлидаги уринишларнинг қаммасига қарши қат'ий кураш олиб боришга бел боғлаганлигини яна бир марта та'кидлайди.

## МАРОҚАШ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ БАЁНОТИ

ПАРИЖ, 14 сентябрь. (ТАСС). Кеча Парижда Марокаш Коммунистик партияси Марказий комитетининг бош секретари Али Ята ва партия Марказий комитети Сиёсий бюросининг а'зоси Абдулла Лайяшй матбуот конференцияси ўтказдилар. Жуда кўп француз ва четэл журналистлари ҳозир бўлган бу матбуот конференциясида Марокашдаги аҳвол муносабати билан Марокаш Коммунистик партиясининг позициясини белгилаб берувчи баёнот ўқиб эшиттирилди.

Марокаш Коммунистик партияси, дейилади баёнотда, Марокашнинг миллий мустақиллигини талаб қилаётган барча сиёсий гуруҳларнинг вакилларидан иборат Марокаш муваққат ҳукуматини тузиш учун ҳаракат қилмоқда. Партия миллат мажлисига янги эркин сайловлар ўтказишни ҳам талаб қилмоқда, миллат мажлиси Марокаш ҳукуматини барпо қилиши лозим. Марокаш Коммунистик партияси илгариги султон Сиди Муҳаммад бер Юсуфни сургундан қайтаришни ва партия Марказий комитетининг бош секретари Али Ятани Марокашдан сургун қилиш тўғрисидаги қарорни бекор қилишни талаб этмоқда.

# *Франция парламент делегацияси Москвага келди*

СССР Олий Советининг таклифи билан Франция парламентининг делегацияси 14 сентябрьда Москвага келди. Франция Миллат Мажлиси Раиси Пьер Шнейтер бошчилигидаги бу делегация составида Андрэ Мерсье, Жаклин, Томе-Патенотр хоним, Венсан Бади, Алекс Рубер, Эдуард Депре, Раймон Шмиттлэн, Пьер Гарэ, Жан Нюпа, Робер Обэ, Эдмон Баррашен, Альбер Газье, Роже Удэ, Антуан Гиттон, Жан Канэ, Франсис Кайе, Омер Капель, Пьер Де ла Гонтри, Мамаду Диа бор. Саккиз кишидан иборат француз журналистлари группаси ҳам парламент делегацияси билан бирга келди.

Франция ва СССРнинг Давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида парламент делегациясини СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Волков, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси В. Т. Лацис, СССР Олий Совети Президиуми Секретарининг ўринбосари А. Ф. Горкин, СССР Министрлари В. Г. Бакаев, К. П. Горшенин, А. Н. Задемидко, В. П. Зотов, И. И. Носенко, Д. В. Павлов, ТАСС Мас'ул раҳбари Н. Г. Пальгунов, СССР Олий Совети депутатлари А. Ф. Борисов, Т. М. Зуева, У. Қидирбоева, И. А. Федченко, РСФСР Олий Советининг депутати П. Я. Кочина, СССР Министрларининг ўринбосарлари С. А. Борисов, Н. Т. Федоренко, Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси М. А. Яснов, Москва шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари З. В. Миронова, СССР Олий Совети Президиуми Канцелариясининг Бошлиғи Н. К. Козлов, СССР Олий Совети Президиумининг Протокол Бошлиғи Г. И. Фомин, ВЦСПС секретари И. П. Гуреев, СССР Олий Совети Президиумининг Бўлим мудири Ю. А. Королев, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги 1-нчи Европа бўлими Мудирининг вазифасини бажарувчи С. С. Михайлов, «Известия»» газетаси бош редакторининг ўринбосари А. Баулин, Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Бутуниттифоқ жамияти Правлениесининг а'зоси Л. Д. Кислова, Москва меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари, СССР Олий Совети Президиумининг ва СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг мас'ул ходимлари кутиб олдилар.

Парламент делегациясини Францияниг СССР дағи Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Луи Жокс, Элчихона ходимлари, матбуот вакиллари ҳам кутиб олдилар.

Аэродромда ҳозир бўлганлар француз халқининг вакилларини самимий, дўстона, давомли қарсаклар билан табрикладилар.

Москва пионерлари меҳмонларга гулдасталар тақдим этдилар.

СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Волков Франция парламенти депутатларига мурожаат қилиб бундай деди:

— Раис жаноблари!

Жаноб депутатлар ва сенаторлар!

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети номидан сизларни Ватанимиз пойтахти Москвага келишингиз муносабати билан чин қалбдан табриклашга менга ижозат беринглар!

Аср парламент традицияларига эга бўлган халқнинг — француз халқининг вакилларини ўзимизга меҳмон қилиб кутиб олаётганлигимизга айниқса хурсандмиз.

Франция парламенти а'золарининг Совет Иттифоқига келиши Франция билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга бўлади деб айтсам, ҳаммамизнинг фикримизни ифодалаган бўламан, деб ўйлайман.

Биз сизларга мамлакатимиз ва халқимизнинг ҳаёти билан таништириш имкониятини берганлигимиз учун хурсандмиз. Сизлар Совет Иттифоқида бўлган вақтингизда тинч меҳнат билан шуғулланаётган совет кишиларининг Франция халқи билан дўстлikни ва ҳамкорликни кенгайтиришни ҳамда мустаҳкамлашни истаётганликларини ва ҳамма халқлар ўртасида тинчлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга қат'ий бел боғлаганликларини кўрасиз.

Сизнинг бу сафарингиз халқларимизнинг сиёсий, хўжалик ва маданий қаётининг энг хилма-хил соҳаларида алоқаларни янада кўпроқ мустаҳкамлашга олиб келади, деб умид қиламиз.

Мана шуларнинг ҳаммаси правард натижада халқаро кескинликни юмшатишга ёрдам беради ва бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш ишида жиддий фактор бўлади!

Хуш келибсиз азиз меҳмонлар!

Франция Миллат Мажлисининг Раиси Пьер Шнейтер жавоб нутқи сўзлади. У, делегациянинг очиқ юз билан қабул қилиб олинганлиги, аэродромда кутиб олувчилар ўзларининг самимий ҳисларини изҳор қилганликлари учун чин қалбдан ташаккур билдирди. Пьер Шнейтер, Франция парламенти ҳам Совет Иттифоқи билан Франция ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатишни истайди, СССР га қилган сафаримиз бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб айтди. (ТАСС).

## Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қуролсизланиш комиссиясининг Кичик комитетида

НЬЮ-ЙОРК, 15 сентябрь. (ТАСС). Бу ерда ма'лум бўлишича, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Қуролсизланиш комиссияси Кичик комитетининг 13 сентябрьдаги мажлисида Совет Иттифоқи вакили А. А. Соболев сўзга чиқиб, АҚШ вакили Г. Стассен Кичик комитетнинг шу мажлисида берган баёноти диққат билан ўрганишга сазовордир, деб айтди. Совет вакили, совет делегацияси президент Эйзенхауэрнинг таклифини жуда диққат билан ўрганаётганлигини эслатиб ўтиб дедики, шу ўрганиш вақтида бирқанча саволлар туғилмоқда. Шу саволлардан бири шуки, президент Эйзенхауэрнинг таклифи аэрофотос'емкаларни фақат АҚШ билан СССР территорияларидагина ўтказишни кўзда тутадими, ёки контрольнинг бу турини қуролсизланиш конвенциясининг қатнашчилари бўлган бошқа давлатларга ҳам жорий қилишни кўзда тутадими?

СССР вакили айтдики, Англия, Франция ва Канада вакилларининг нутқларидан ма'лум бўлишича, бу мамлакатлар беш буюк давлат қуролли кучларини камайтириш натижасида қолдириладиган даража ҳақида Англия ва Франция томонидан қилинган ва Совет Иттифоқи томонидан қабул қилинган таклифга рози бўлганлар. Совет делегацияси қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтириш ҳамда атом қуролини тақиқлаш программасининг муҳим моддалари бўйича Англия, Франция, Канада ва Совет Иттифоқининг позициялари мос келиб қолганлигини қайд этиши мумкин. Илгари айтиб ўтилганидек АҚШ бу таклифларга ўз муносабатини белгилагани йўқ.

А. Соболев айтдики, совет делегациясининг фикрича, олий қурол-яроғлар ва қуролли кучларнинг камайтирилиши устидан, шунингдек айниқса атом қуролининг тақиқланиши устидан самарали контроль ўрнатиш масаласида келишмовчилик йўқ. Совет Иттифоқи қурол-яроғларни камайтириш ва атом қуролини тақиқлаш соҳасида реал ва та'сирли контроль системаси вужудга келтиришни талаб қилмоқда. Контрольнинг таркибий қисми бўлган инспекция масаласида ҳам позициялар бир-бирига мос бўлиб қолди. Совет ҳукуматининг шу йил 10 майдаги таклифлари контроль органи ихтиёрига шу мақсад учун зарур бўлган ҳамма ваколатларни беради. Шу билан бир вақтда контроль органининг ҳуқуқлари ва ваколатлари масаласини қурол-яроғларни камайтиришга ва атом қуролини тақиқлашга тааллуқли тадбирлар билан мустаҳкам равишда боғламоқ керак.

«Совет делегацияси, — деди Соболев,—контроль масаласини қурол-яроғларни камайтириш ва атом қуролини тақиқлаш тадбирлари билан ҳамда давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишонч ўрнатиш тадбирлари билан яқиндан боғлаб муҳокама қилиб, контроль масаласида позицияларнинг бир-бирига ёндашадиган янги нуқталарини қидириб топиш зарур деб ҳисоблайди».

СССР вакили Кичик комитетдаги француз делегати Мокнинг тутган позицияси хато эканлигини айтиб ўтди. Ж. Мок қуруқликдаги, ҳарбий ҳаво ва ҳарбий-денгиз йирик кучларининг аҳамиятига етарлик баҳо бермасдан, қуруқликдаги, авиация ва ҳарбий-денгиз кучларининг хатарли суратда тўпланишининг ўз вақтида олдини олиш ҳақида Совет Иттифоқи томонидан қилинган таклифларни «эскириб қолган» таклифлар деб ҳисоблади. «Шундай шароит вужудга келтириш керакки,— деди Соболев,—бундай шароитда ҳарқандай давлатнинг агрессив ниятларини ўз вақтида ошкор қилиш ва бу ниятларнинг олдини олиш мумкин бўлар эди, деб ҳисоблаймиз».

СССР вакили, француз вакили атом ва водород қуролини ишлатиш натижасида келиб чиқадиган окибатларни кўрсатиш билан бир вақтда бу қуролни тақиқлашни талаб қилмаганлигини айтиб ўтди. «Совет ҳукумати, — деди Соболев — атом ва водород қуроли тақиқланиши лозим деб ҳисоблайди ва бу масалада битимга келмоқ учун бутун кучини сарф қилади, чунки бундай битим бутун дун'ё халқларининг ҳаётий манфаатларига тўла равишда мос бўлиб тушувини яхши билади».



Албания Халқ Республикасининг марказий — Тиранада бирқанча олий ўқув юртлари, шу жумладан, планлаш-экономика институти, педагогика, политехника, қишлоқ хўжалик ва юридик институтлари ишлаб турибди. Суратда: планлаш-экономика институтининг дарс тайёрлаш хонасида.

Албания телеграф агентлигининг фотоси.

## ФИН-СОВЕТ САВДО ПАЛАТАСИНИНГ ЙИЛЛИК МАЖЛИСИ

ХЕЛЬСИНКИ, 14 сентябрь. (ТАСС). Фин-Совет савдо палатасининг буерда навбатдаги йиллик мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда бош министр Кекконен, ташқи ишлар министри Виролайнен, савдо ва саноат министри Симонен, Финляндия банкининг директори Ютила, СССР элчиси В. З. Лебедев, СССРнинг савдо вакили А. И. Сосунов ҳамда Бутуниттифоқ савдо палатаси президиумининг раиси М. В. Нестеров бошчилигидаги совет делегацияси ҳозир бўлди.

Мажлис палатанинг 1954 йилда қилган ишлари тўғрисида ҳисоботни тинглади, палатанинг 1956 — 1958 йиллар учун правлениесини сайлади ва унинг 1956 йилги бюджетини тасдиқлади.

Фин-Совет савдо палатасининг раиси Харима ўз нутқида, ҳисобот даври ичида палата ҳар икки томон учун манфаатли савдо-сотиқни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида катта ва самарали ишлар қилганлигини айтиб ўтди.

М. В. Нестеров СССР билан Финляндия ўртасида товар айирбошлашни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда палатага муваффақиятлар тилади.

Ташқи ишлар министри Виролайнен палатанинг самарали ишлар қилганлигини ҳукумат номидан табриклади ва Финляндия билан Совет Иттифоқи ўртасида савдо-сотиқни янада кенгайтириш кераклигини айтди.

Йиғилиш қатнашчиларига «Капитоль» кинотеатрида Совет Иттифоқидаги атом электростанцияси тўғрисида ҳикоя қилувчи «Жаҳонда биринчи» номли совет рангли кинофильми кўрсатилди.

## ГФР КАНЦЛЕРИ К. АДЕНАУЭР БОННГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

БЕРЛИН, 14 сентябрь. (ТАСС). Кельн радиоси билдиради: ГФР Канцлери К. Аденауэр ва унинг ҳамроҳлари бугун кундузи Москвадан самолётда Боннга келдилар.

## СУРИЯНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ДАМАШҚ, 14 сентябрь, (ТАСС). Сами Ғози (мустақиллардан) Сурияниг янги ҳукуматини тузди ва ўзи шу ҳукуматда бош министр ва ташқи ишлар министри бўлиб қолди.

Ҳукумат қуйидагилардан иборат: Хасан Ал-Атраш — давлат министри (мустақиллардан), Асад Хорун — давлат министри (мустақиллардан), Рашод Бармада — мудофаа министри (халқ партиясидан), Али Бузо — миллий экономика министри (халқ партиясидан), Абдил Ваҳоб Хамод—қишлоқ хўжалик министри (халқ партиясидан), Ризқилло Антақи — молия министри (халқ партиясидан), Мунир Ал Ажлони — юстиция министри (конституцион блокдан), Сулаймон Ал Аҳмад — давлат министри (конституцион блокдан), Абдул Боқи Низомиддин — жамоат ишлари министри (демократик блокдан), Бадри Аббуд — соғлиқни сақлаш министри (демократик блокдан), Ма'мун Кузбори — маориф министри (арабларни озод қилиш партиясидан), Абдул Хасби Раслан—ички ишлар министри (мустақиллардан).

## СИГЕМИЦУ БАЁНОТИ

ПЕКИН, 14 сентябрь. (ТАСС). Япония радиоси билдиради: Ташқи ишлар министри Сигемицу кеча матбуот конференциясида гапириб, ҳукумат Қўшма Штатларнинг чанкайшичилар армияси ҳарбий хизматчиларига Япониядаги америка базаларида та'лим беришга рухсат қилиш тўғрисидаги илтимосига жавоб тайёрламоқда, деди. Сендайдаги ҳарбий базада, деди Сигемицу, бу армиянинг офицерларига та'лим бериш ҳозир вақтинча тўхтатилди.

## Японияда Американинг Тацикава авиация базаси районида полиция блан аҳоли ўртасида тўқнашув

НЬЮ-ЙОРК, 14 сентябрь. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг мухбири Японияда хабар беради: Сунакава шаҳрининг аҳолиси шу шаҳар атрофидаги Американинг Тацикава авиация базасини кенгайтиришга йўл қўймасликка қарор қилган.


## БУЮК БРИТАНИЯ МЕДИЦИНА АРБОБЛАРИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг таклифига мувофиқ, Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Буюк Британия медицина арбоблари делегацияси 14 сентябрьда Тошкентга келди. Оксфорд университетининг ўқитувчиси Мэри Стюарт делегацияга бошчилик қилади.

Аэродромда меҳмонларни республика Соғлиқни сақлаш министрлиги, четэллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамиятининг вакиллари, илмий-текшириш муассасаларининг ходимлари, Тошкентдаги медицина олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари кутиб олдилар.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари З. Н. Жамолова меҳмонларни республиканинг медицина жамоатчилиги номидан табриклади.

Делегация Ўзбекистонда бирнеча кун бўлиб, республика меҳнаткашларининг ҳаёти блан, давлат ва илмий текшириш муассасаларининг ишлари блан танишади. (ЎзТАГ).



☆ ☆ ☆

СССР Ташқи Ишлар Министрлиги матбуот бўлимининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Миср журналистлари делегацияси Ўзбекистонда бўлди. Суратда: делегация а'золари Тошкент шаҳри бош архитектори Ўртоқ Бўлатов блан суҳбатлашмоқдалар.

И. Душкин фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

☆ ☆

# Четэл делегациялари Ўзбекистонда

Ҳиндистон табиий ресурслар ва илмий тадқиқотлар министри К. Д. Малавия бошчилигидаги Ҳиндистон мутахассислари делегацияси Ўзбекистонда бирнеча кун меҳмон бўлиб турди.

Ҳиндистонли мутахассислар Ўзбекистон геология бошқармасида бўлиб, республикада фойдали қазилмаларни разведка қилиш ишларининг уюштирилиши блан танишдилар. Меҳмонлар Ўзбекистоннинг янги индустриаль марказларидан бири — Олмалиққа бордилар. Улар бирқатор конларни бориб кўрдилар. Делегация а'зоси геофизик Р. Рао Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Геология институтининг ишлари блан танишди.

К. Д. Малавия Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Муҳитдинов ҳузурида бўлди.

Ҳиндистон мутахассислари делегацияси ўнтўртинчи сентябрьда Тошкентдан Бокуга жўнаб кетди.

* * *

СССР Ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлимининг таклифи блан Совет Иттифоқига келган Миср журналистлари делегацияси Ўзбекистонда уч кун меҳмон бўлиб турди.

Республика меҳнаткашлари делегация а'золарини қизғин, самимий кутиб олдилар. Республика меҳнаткашлари меҳмонлар блан бўлган учрашувларда эрксевар Миср халқига самимий хайрихоҳликларини изҳор қилдилар, Совет Иттифоқи ва Миср халқлари ўртасидаги дўстлик умумий тинчлик манфаати йўлида тобора мустаҳкамланади ва ривожланади, деб ишонч билдирдилар.

Миср журналистлари ўнтўртинчи сентябрьда Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонасида ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида бўлдилар, Ўзбекистон халқларининг тарихи музейини томоша қилдилар, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диния назоратига бордилар. Сўнгра «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясида меҳмонларнинг республика матбуоти ходимлари блан учрашуви бўлди. Кечқурун Тошкент журналистлари делегация а'золарини шарафига зиёфат бердилар. Бу зиёфат самимий ва дўстона вазиятда ўтди. Делегация а'золари ўзларининг Ўзбекистондан олган таассуротларини тошкентли журналистларга айтиб бердилар.

«Ал-Ахром» газетасининг бош редактори Азиз Мирзо журналистларга мурожаат қилиб бундай деди:

— Биз Ўзбекистонда бўлишимиз блан жуда бахтиёрмиз ва бизлар сиз блан учрашиш имконияти берилганлиги учун Совет ҳукуматидан миннатдормиз. Совет давлатининг илгари қолоқ бўлган Ўрта Осиё либги вазифасини бажаручи Али Амин ўз нутқида бундай деди:

— Бизнинг делегациямиз Миср дан жўнаётган вақтида кўп кишилар бизга ҳавас қилган эдилар. Юзларча кишилар Совет Иттифоқига учиб кетаётган самолётда бизнинг ўринларимизни олишни истар эдилар. Биз сизларнинг уруш вақтидаги олиб борган курашингизни, Москва остоналарида жанг бораётган ва Сталинград қуршаб олинган вақтда олиб борган курашингизни э'тибор блан кузатиб турдик. Миср даги ҳарбир хонадонда совет солдатига завқланиб қарадилар ва уни фақат рус халқининг қаҳрамонигина эмас, балки ўзларининг ҳам қаҳрамони деб ҳисобладилар. Биздар сизларни асл ҳолингизда кўришимиз блан бахтиёрмиз. Биз сизларнинг тинчликка ва бошқа халқлар блан дўст бўлишга интилаётганлигингизни кўрдик. Биздар ҳам тинчлик ва дўстликни истаймиз.

15 сентябрьда миср ли журналистлар Тошкентдан Сочига самолётда учиб кетдилар. Аэродромда уларни республика матбуотининг вакиллари кузатиб қолдилар.

* * *

Ҳиндистон тўқимачилари касаба союз делегацияси Ўзбекистон меҳнаткашларининг меҳмони бўлди.

Делегация республиканинг ҳаёти блан танишди. Меҳмонлар Тошкентда Сталин номидаги тўқимачилик комбинатини, Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» заводини, ўқув юртларини, илмий ва маданий-оқартув муассасаларини бориб кўрдилар. Меҳмонлар Самарқандга бориб, тарихий ёдгорликларни томоша қилдилар ҳамда 26 Боку комиссари номидаги шойи фабрикасида бўлдилар. Ҳиндистон касаба союз ходимлари Янгийўл пахта заводида, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида, суғориладиган деҳқончиликни механизациялаш ва электрлаш Ўрта Осиё илмий-текшириш институтида бўлдилар.

Ҳиндистонли меҳмонлар Ўзбекистондан жўнаб кетиш олдида матбуот учун бирнеча баёнот бердилар.

«Ҳинд Маздур Сабҳа» касаба союз бирлашмаси ишчи комитетининг а'зоси В. Мехротра бундай деди:

— Бизлар Совет Иттифоқида халқнинг турмуш даражасини ошириш учун кўп куч сарфланаётганлигига ишондик. Совет ишчиларининг техника ма'лумоти даражаси кутганимиздан юқори бўлиб чиқди.

Делегация бошлиғи — Ҳиндистон касаба союзлари миллий конгрессининг ва Ҳиндистон тўқимачилари миллий федерациясининг раиси Ж. Д. Амбекар бундай деди:

— Совет халқининг саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида эришган муваффақиятлари ҳақиқатан ҳам ажойибдир. Биз Совет мамлакати миллий республикаларининг қардошларча дўстлиги ва ўзаро ёрдами нимадан иборат эканлигини Ўзбекистон мисолида яхши тушундик. Илгари қолоқ бўлган Ўзбекистон бошқа республикаларнинг ана шу ёрдами туфайли ўз экономикаси ва маданиятини жуда тез юксалтираолган. Совет Ҳукуматининг ишчиларнинг фаровонлиги тўғрисида, уларнинг маданий савиясини ошириш тўғрисида қилаётган ғамхўрлиги бизларда чуқур таассурот қолдирди.

Ўнбешинчи сентябрьда Ҳиндистон тўқимачилари касаба союзининг делегацияси Тошкентдан Тбилисига самолётда учиб кетди. (ЎзТАГ).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

## ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 16/IX да **Гамлет.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/IX да **Кўр ўғли**, 17/IX да **Мазепа.**

**ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:**

«РОДИНА» (эрталаб соат 10 дан кеч 8 гача), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 дан кундуз 4 гача, кеч 6 ва 8 да), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 12 дан кеч 8 гача), — янги бадиий фильм **Нестерка.**

«РОДИНА» — кеч соат 8 ва 10 да **Бўйиндаги Анна.**

НАВОИЙ номли — кундуз соат 4 да **Сурия бўйлаб**, кеч соат 10 да **Азиз дўст.**

«ИСКРА» — эрталаб соат 9— 40 минутдан кеч соат 7—45 минутгача янги Австрия бадиий фильми **Дон Жуан** кеч соат 8, 9 ва 10 да **Дайди** (иккала серия).

«ЎЗБЕКИСТОН» — эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да **Сепли тўй**, кундуз соат 2 дан кеч 10 гача **Дон Жуан.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 8 дан **Қўрқишнинг жазоси.**

**ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:**

«ВАТАН», НАВОИЙ НОМЛИ, «ХИВА» — **Нестерка.**

«ИСКРА», «УДАРНИК» — **Дон Жуан.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135 Маданият бўлими — 132 Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040 Қишлоқ хўжалик бўлими — 135 Саноат ва транспорт бўлими — 132. Секретариат — 34048. З'олонлар бўлими — 38142.

Р. 09608. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1507.